

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

“ИЖТИМОЙ ИШ” КАФЕДРАСИ

МАХАММАДИЕВ ЭЛЁР ЗОЙИРОВИЧ

**АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ЎСМИРЛАРДА
СОЦИОПСИХОЛОГИК ОҒИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. Хусанова Х.Т.

Битирув малакавий иш кафедра йиғилишининг ҳимоя олди
муҳокамасидакўриб чиқилди ва ҳимоя учун тавсия этилди.
-сонли баённома _____ 2018 йил

ТОШКЕНТ-2018

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3-10
I-БОБ.	ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТЛАРДА ШАХС АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	11-28
1.1.	Глобал ахборот тармоғида манипулятив технологияларни қўлланилишининг илмий ўрганилиши	11-19
1.2.	Ахборот хуружларига тобелик ўсмирларда девиант хулқ омили сифатида	19-28
	1 боб бўйича хулосалар	28-31
II-БОБ.	ЎСМИРЛАР АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ	32-61
2.1.	Ўзбекистонда вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган устувор вазифаларнинг хусусияти	32-39
2.2.	Ўсмирларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш механизмлари фаолиятининг амалий таҳлили	39-61
	2-боб бўйича хулосалар	61-62
	ХУЛОСА	63-68
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69-71
	ИЛОВА	72-76

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўсмирлик – бу инсон ҳаётининг турли ҳиссиётлар ва муаммоларга тўла энг мураккаб даврларидан бири бўлса-да, у инсон умрининг энг яхши даври ҳамдир. Бу давр нафақат ҳиссиётлар, балки, иштиёқ, интилиш, кашфиётчиликка мойиллик билан тўлиб тошган. Яхлит қилиб айтганда инсоннинг келажаги қай тарзда кечишини унинг ўсмирликдаги интилишларига таянган ҳолда олиндан кўра олиш мумкин. Бу даврда ўсмирлар ўй-хаёллари ўз шахсиятини топиш орқали жамиятда ўз ўрнини эгаллашга қаратилган бўлади.

Вояга етмаганликнинг даврий чегарасини белгилашда асосий меъёрий ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Халқаро Конвенция ҳисобланади. Конвенциянинг 1-моддасида «Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади»¹ - деб белгилаб қўйилган

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида инсон 18 ёшдан ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти бўлиши белгиланган бўлса, Жиноят Кодексига мувофиқ эса 13 ёшдан 18 ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар вояга етмаганлар ҳисобланади².

Ўсмирлар ўзига эътиборни жалб қилиш мақсадида турли машғулотларни синаб кўради, аммо уларнинг баъзилари жамиятда ўрнатилган меъёрлардан оғишга сабаб бўлади. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидланганларидек: “Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари - сон жихатдан бутун

¹ БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг 1-моддаси.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессул Кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2009. - 672 б.

инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда”¹.

Бугунги кунда оғма ҳулқнинг замонавий шаклларида бири – ахборот ва ахборотни узатувчи воситаларга мойиллик ва унинг оқибатида беҳуда сарфланаётган катта миқдордаги вақт бўлиб қолмоқда. Улардан бири Интернет дастлаб олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида алоқа воситаси сифатида яратилган бўлса, ҳозирда у кенг қамровли хусусият касб этди. Интернет томонидан таклиф этилаётган янги имкониятлар тассаввуримиз доирасига сиғмайди. У орқали инсон ўз имкониятлари ва қобилиятларини виртуал даражада чексиз ўстириш имконига эга бўлди. Бу интернет томонидан яратилган нореал дунё ёки «Иккинчи дунё» номи билан аталувчи виртуалликдир. Иккинчи дунё бу – уч ўлчамли муҳит бўлиб, унга ҳар бир киши уйида компьютер олдида ўтирганча кириши мумкин. Бу метафораларга тўла дунёда кишилар кўргазмаларга ташриф буюрадилар, маҳсулотлар буюртма қиладилар, концертлар, киноларга борадилар, бир-бирлари билан суҳбатлашадилар. Шу тариқа, инсонлар ҳулқ атворидаги асосий ўзгаришлар шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ахборот коммуникатив технологиялар пайдо бўлиши билан содир бўлди.

“Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар Дастури”, нинг VIII йўналишига ҳамда “2016 йил Ўзбекистон Республикаси аҳолисини замонавий ахборот технологиялари ҳамда Интернет тармоғи орқали кўрсатилаётган ахборот ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури”га кўра ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш вазибалари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нуқтидан. 2018 йил 19 сентябрь.

Битирув малакавий ишимиз доирасида олиб борилган тадқиқотларимизда интернет ва у орқали тарқатилаётган ахборотларнинг ўсмирларда социопсихологик оғиш омили сифатида улар онгига таъсирини алоҳида кўриб чиқдик. Социологларнинг фикрига кўра, интернетда жуда кенг тарқалган ва жамоатчиликда кучли хавотир ўйғотаётган ходисалардан бири бу ҳаёсиз ва ахлоқсиз видео лавҳалар ва матнли манбалар бўлиб, улар ўсмирлар онгига табиийки салбий таъсирни ўтказди. Аноним қолиш, тезкорлик, алоқа тўрининг чигаллиги иродаси суст ўсмирларни ушбу тармоқда турли тубан мақсадларини рўёбга чиқаришда кенг майдон бўлиб қолмоқда. Интернет қатламлар, жинслар, шахслараро чегараларни бузмоқда ва ёшлар учун қандайдир эркин ҳудуд ҳосил қилмоқда ҳамда улардаги жиловсиз қизиқишларни қондира оладиган ягона манбага айланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, интернетда бир вақтнинг ўзида иккинчи жинсга мансуб қатор кишилар билан мулоқотга киришиш асосан йигитларга хос бўлиб бўлиб, анонимлик кафолатланганлиги туфайли улар бир вақтнинг ўзита турли ролларни бажариш имконига эга бўладилар. Бунда улар реал эмас ҳаёлий образларни яратадилар ва ушбу образларга хос ҳаёлот дунёсида яшай бошлайдилар.

Интернет, ўсмирлар ахлоқига таъсир кўрсатиш давомида уларнинг ижтимоий ҳолатини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Масалан, интернет мойиллик оилада ва таълимда жиддий муаммоларга олиб келиши тайин. Агарда фойдаланувчи бир ой давомида интернетдан кўнглини узаолмаса ва доимий ишласа унда интернет мойиллик шаклланиб улгурганлигини англаш мумкин. Афсуски, биз ўсмирлар орасида айнан шу муаммога тез-тез дуч келмоқдамиз. Бу вақт ўтиши билан жисмоний соғлиққа путур етказиши мумкин. Шундай бўлса-да ижтимоий нуқтаи назардан бу зарарли одатлардан бири ҳисобланади, холос. Сўнгги йилларда ўтказилган қатор тадқиқотларга кўра, интернетга мойил инсонларни ёлғизлик ҳисси қийнар экан, уларда тортинчоқлик, социал пинҳонийлик, тушкунликка мойиллик кучли бўлар экан. Интернетга мойиллиги кучли бўлган ўсмирларни эса ижтимоий

фаоллик даражаси аксинча ҳолатда бўлган тенгдошларидан бир неча бор паст турар экан. Тадқиқотларга кўра, интернет мойиллиги бор инсон интернет алоқадан узилиб қолса бундан каттиқ хафа бўларкан, асабийлашар ҳамда ташқи таъсирларга берилувчанлиги ошиб тез-тез жазавага тушар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий дунёда интернетнинг таъсири натижасида шахс шаклланиши жараёнида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Аграда ўтмишда кишилар кичик жамоаларда ёпиқ муҳит таъсирида шаклланган маҳаллий анъаналар таъсирида яшаган ва социал меъёрларни ўзлаштирган бўлсалар, эндиликда жамиятнинг модернизацилашуви шароитида муҳитнинг таъсири тушиб кетди ва унинг ўрнини ахборот-коммуникацион технологиялар эгаллади. Ахборот-коммуникацион технологиялар кишини ўз муҳитидан узиб узоқ масофалар билан боғланиши мумкинлиги аён бўлди. Натижада индивид чала шаклланган ва охирига етказилмаган шахсият ва уни ўраб турган хатарли ахборот майдони таъсирида қолди. Шахсиятни шаклланишига таъсир кўрсатувчи глобал тармоқ худуд, чек-чегарасиз ва жонсиз ҳаётни ўсмирлар онгидаги бирламчи қадриятга айлантди.

Айниқса интернетдан фойдаланиш кенг қўлланилувчи оилаларда тарбияланаётган фарзандлар оила аъзолари билан кам мулоқотда бўлишлари натижасида оилавий муносабатлар етарлича мустаҳкамланмас экан. Аслида ҳам интернет бугунги кунда оиланинг катта ва айниқса ўрта ёшли аъзолари билан болалар ўртасида тўсиқ ҳосил қилмоқда.

Бироқ глобаллашув жараёнида сиёсий, ғоявий ва ахлоқий жихатдан бузғунчи кучлар интернет тармоғидан фойдаланиб, ўзларининг геосиёсий, иқтисодий, диний, ирқий ва бошқа ғаразли манфаатлари йўлида агрессив ахборотларни тарқатиб, ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитиш, улар қалбини эгаллаш йўлидаги интилишлари тобора кучли тус олаётгани натижасида миллий қадриятлар ҳамда ахлоқ қоидаларига хуруж қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 32-моддасида боланинг соғлиги учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиш борасида қонуний, маъмурий ва ижтимоий чоралар кўриш белгилаб қўйилган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистонда ўсмирлар, ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар ман этилиши, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгиланган. Аммо бугунги ахборот маконидаги тенденциялар, ахборот экспансияси, агрессив ахборотларнинг кучайиши миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “Вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз»².

Ахборот маконида глобаллашув ва кучли рақобат шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, миллий сегментни

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нуктидан. 2018 йил 19 сентябрь

ривожлантириш, ёшларни ахборот-психологик хуружлардан химоя қилиш технологияларининг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан амалий ахамиятга эга.

Бундан кўринадики, ўсмирлар замонавий ахборот хуружларининг тўғридан-тўғри объекти саналади. Шу боис, ўсмирлар онгини заҳарловчи зид ғоялар таъсиридан асраш ва бу каби ахборотларнинг тўрига илинмаслик мақсадида ахборотни холисона баҳолаш, ахборотлар тизимида ижобий ва салбий таъсирга эга хабарларни «фильтр»лаш – яъни, фойдали ахборотни қабул қилиб, зарарли ахборотлар таъсирга берилмаслик кўникмаларини шакллантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Ахборот ва унинг вояга етмаганлар психофизиологик ривожига таъсири муаммоларни назарий-амалий тадқиқ этишда хорижлик олимлардан Н. Винер¹, А.Тоффлер, Ф.Уэбстерп², Р.Эшби³, А.Моль⁴, Т.Яглом⁵, А.Д.Урсул⁶, МДХ давлатлари олимларидан С.А.Бондаренко⁷, Г.Б.Жданов⁸, Г.А.Гаврилов⁹, И.В.Дмитрачков¹⁰, Я.Н.Засурский¹¹, Республикамиз олимларидан В.Каримова, М.Қуронов¹², Б.Исмоилов¹³, Б.Ходжаев¹⁴, Ш.Б.Муродова¹⁵ ларнинг илмий тадқиқотларига мурожаат этилди.

¹ Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001. – 24 с.

² Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. – М.: Academia, 1999; Гелбрейт Дж. Справедливое общество. Гуманистический взгляд. – Boston, NY, 1996; Дракер П. Посткапиталистическое общество // Новая индустриальная волна на западе: Антология. Под ред. В.Л.Иноземцева. – М.: Academia, 1999; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура \ Пер. с англ.; Под науч. рук. Шкаратана О.И. – М.: ГУВШЭ, 2000; Тоффлер О. Футурошок. - СПб.: Лань, 1997; Уэбстер Ф. Теории информационного общества \ Пер. с англ. М.В. Арапова, Н.В. Мальхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004.

³ Эшби Р. Массовая информация: Стратегия и тактика потребления. – М.: Дело, 1993. – 405 с.

⁴ Моль А. Искусство и ЭВМ. – М.: Мир, 1995. – 506 с.

⁵ Яглом Т. Массовые коммуникации в современном мире: методология анализа и практика исследования. – СПб: Питер, 2000. – 190 с.

⁶ Урсул А.Д. Диалектика определённости и неопределённости. – Кишинёв, 1996. – 61 с.

⁷ Бондаренко С.А. Информационная стратификация и информационном обществе // Информационное общество. №6. – 16 с.

⁸ Жданов Г.Б. Информация и сознание // Вопросы философии. 2004. №11. – 97 с.

⁹ Гаврилов Г.А. Использование СМИ для распространения дезинформации в ходе локальных конфликтов // Молодой учёный. №9. 2012. – 175 с.

¹⁰ Дмитрачков И.В. Информационно-коммуникативное обеспечение государственного управления в контексте политической модернизации. – М.: РАГС, 2008.

¹¹ Засурский Я.Н. Факторы формирующие медиасистемы XXI века. – М.: МГУ, 2004.

¹² Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2008; Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз... (ота-оналар учун). – Тошкент: Маънавият, 2013.

Тадқиқотнинг объекти. Замонавий тараққиёт шароитида ўсмирларда ахборотга тобелик омиллари.

Тадқиқот предмети. Ахборотлашиш жараёнида ўсмирлар оғма хулқ-авторни шакллантирувчи социопсихологик омилларнинг хусусиятлари, ўсмирларда қадриятли мўлжаллари ва мақсадли эҳтиёжларининг ўзгариши.

Тадқиқот ишининг мақсади. Вояга етмаганларда ахборот хуружларига мойилликни шакллантирувчи социопсихологик омилларни назарий ва эмпирик ўрганиш.

Вазифалар: - Замонавий ахборотлашиш жараёнида ўсмирларда оғма хулқ-авторни шакллантирувчи социопсихологик омилларни назарий-эмпирик ўрганишга доир илмий адабиётлар, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотларни сифат ва миқдорий таҳлил этиш;

- ахборотлашиш жараёни таъсирида вояга етмаганларнинг қадриятли мўлжаллари ва мақсадли эҳтиёжларида содир бўлаётган трансформацияларни ёритиш;

- ўсмирларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларида туртки бўлувчи социал муаммоларини ташҳислаш;

- ўсмирларнинг ахборот хавфсизлигига оид билим савияси, ахборотни филтрлаш кўникмалари ва ахборотнинг замонавий манбаларига тобелик даражасини эмпирик методлар асосида тадқиқ этиш;

- назарий ва амалий тадқиқотлар йиғиндиси таҳлилларига кўра, ўсмирларда ахборот таҳдидларига қарши социопсихологик иммунитетни мустаҳкамлашнинг илғор механизмлари ва технологиялари бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқариш.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Лойиҳанинг илмий-услубий концептуал базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

¹³ Исмоилов Б.И., Махмудова М.М. Вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини муҳофазалаш: хорижий ва миллий тажриба: Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: «Spectrum Media Group», 2015.

¹⁴ Ходжаев Б., Махмудова М. Ўқувчи-ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш технологияси. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2016.

¹⁵ Муродова Ш. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари Сиес. фан. док. ил. дар. учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2009. 42 б.

хукуматининг болаликни муҳофазалаш, соғлом авлодни тарбиялаш ҳақидаги Фармонлари ва қарорлари, шунингдек, халқаро ва миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилди.

Тадқиқотнинг методлари: Ҳужжатларни ўрганиш, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, экотизимли ёндашув, анкетали сўровнома.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши жами 76 бетдан иборат бўлиб, унинг асосий ҳажмини Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар ташкил қилади.

1. БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТЛАРДА ШАХС АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Глобал ахборот тармоғида манипулятив технологияларни қўлланилишининг илмий ўрганилиши

Шу тариқа ахборот хуружи муайян ташқи кучлар томонидан онги ва калбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан бўлиб, жамият турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун унга моддий, маънавий, руҳий таъсир ўтказиш асносида сиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасига айтилади.³ Россиялик мутахассис Д.Лавсовнинг фикрича, ахборот қуроллари тушунчаси остида бирор халқ, миллат менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион ва ҳарбий тизимига салбий таъсир ўтказадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади.

Парчалаб ташланган маълумотлар – ахборот хуружларини амалган оширишнинг янги воситаларидан бири. Бунда бир қарашда аҳамиятсиз, айрим-алоҳида маълумотни ўзида мужассам этган ахборот уни идрок этганларнинг маданий савиясига бевосита таъсир қилиб қўйганини билмай қолади киши. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, одатда ақлли мутахассислар муҳим, глобал характерли маълумотларга эътибор бериб, орада ўтказиб юборилган, қўшиб берилаётган нарсаларга эътибор қаратмайдиган. Лекин айнан ўша кичик маълумот онгости тизими орқали шахсга кучли таъсир қилиши мумкин. Масалан, чиройли, маънили қўшиқни, бемаъни либос, ёт маданиятга хос бўлган қолипда тикилганлиги, ёшларнинг кийиниш дидига кучли таъсир қилиши мумкин. Чунки одатда катталар қўшиқнинг мазмунига эътибор беришса, ёшлар қўшиқчининг либоси, ўзини тутишига аҳамият беради.

³ Аминова Д. Ўзбекистон миллий журналистикасининг мафкуравий асослари. –Т.: Турон -икбол, 2013.

Ташаббусни эгаллаш – ахборот агрессияларидаги яна бир усул. Янги маълумотни билган заҳоти уни эгасидан аввал “меники” деб бериб юбориш кўплаб ахборот каналларида ишлатиладиган усул бўлиб, ўзгалар ташаббусини “бизники” дейиш орқали ўз мамлакати аҳолиси, хаттоки, хориж каналларида ўзларига маъқул фикрни таъкидлаб, номаъқулини ўзгаларникидай кўрсатишга асосланади.

Ёмонлик билан тугамайдиган қуролларни ишлатиш – мутахасисларнинг фикрича, одамлар ҳаётига таҳдид солмайди, бундан одамлар саломатлик ёки умрларининг тугаши каби талофатлар кўрмайди, лекин улар оммани ғаразли чақириқлар билан тўс-тўполонларга чиқишга мажбур этиши, алоқа воситаларини батамом ишдан чиқариши ёки энергия манбаларини ноқонуний бошқа тарафга ўтиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ахборот орқали таъсир кўрсатиш механизми – асосли ёки асоссиз, ўринли ёки ўринсиз ахборот етказиш орқали омманинг онгини бошқаришга таянади. Чунки омма ёки “оммавий одам” теран тафаккур юритиш, ҳар бир маълумот ёки ахборотни таҳлил қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам юқори технология воситалари орқали одамлар онгига таъсир қилиш унинг онгости тузилмасига бевосита таъсир кўрсатиш орқали, унинг идрокидаги онглиликни камайтириш, ҳар қандай янги маълумотга нисбатан табиий толерантликни оширишга йўналтирилгандир. Буни. Чунки одам ҳамиша янгиликка қизиқади, “Бу нима?” рефлекси айниқса, кичик ёшли ва ўсмирлик ёшидаги болаларда кучли бўлгани сабабли, улар танқидсиз ҳар турли маълумотни қабул қилишга мойил бўладилар. Шунинг учун ҳам охириги йилларда илмий тадқиқотчилар ўз навбатида бола онгини турли ғайри табиий ахборотга нисбатан чиниқтириш, унинг ўзида психологик ҳимоя воситаларини ва имкониятларини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозирги кунда ахборотни қабул қилиш ва уни узатишнинг барча воситалари кенг тарқалиб кетди. Жаҳондаги барча оммавий ахборот воситалари булардан кераклигича фойдаланмоқда. Биргина жадал

ривожланаётган интернет тизимининг тараққий топиши айрим ғаразли кучлар учун асосий қурол бўлиб улгурди. Шу сабаб ахборот майдонида мувозанатни сақлаш учун инсон, албатта, мустақил онг ва фикрга эга бўлиши керак.

Ахборот олиш борасидаги аҳолининг энг фаол қисми ёшлар ҳисобланади. Маълум даражада ижтимоий фойда келтираётган ахборотларнинг истеъмолчилар, яъни ёшлар томонидан олинishi яхши, аммо ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, одамларга зарар етказишга, ўз-ўзини ўлдиришга, ҳаттоки, инсониятга қарши қурол кўтаришга ундовчи ахборотларга ҳам айнан ёшлар эга бўлмоқдалар. Гоҳида беозоргина бўлиб кўринган оддий реклама ҳам муайян мафкуравий мақсадларни ўзида ифода этади. Интернет тўри кўпгина ёшларни ўз домига тортаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Замонавий жамиятларда инсон онги орқали унинг қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади ва турли ғояларни синаш майдонига – мафкуравий полигонга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам онг масаласини ҳар томонлама ўрганиш, унга ёшлар эътиборини қаратиш бугунги таълим-тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Қадимги замонлардаёқ онг, тафаккур ҳақидаги қарашлар машхур файласуфлар Суқрот, Аристотель, Платон қарашларида шакллана бошлаган.

Онгни бошқариш орқали одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаш мумкин. Психолог ва социолог олимларнинг таъкидлашича, манипуляция – инсон онгига таъсир турларидан бири ҳисобланиб, ундан кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. “Манипуляция” лотинчадан олинган бўлиб, қўл ҳаракати деган маънони билдиради. Шу билан бирга манипуляция – қўл машқи, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намоиш қилиш; махинация, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали ғаразли мақсадга эришиш; одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион

таъсир. Ҳозирги пайтга келиб ахборот тизими бутун жаҳонни камраб олди. Интернет, уяли телефон алоқаси, радио ва телевидение умумжаҳон миқёсида кенг тарқалди. Халқлар, минтақалар, қитъалараро алоқалар жадаллашди. Инсониятнинг муваффақиятлари ҳам, кулфатлари ҳам глобал характер касб этди. Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланяпти.¹ “Онгни бошқариш” (“манипуляция сознанием”) атамасига олимлар қуйидагича таъриф беради: “Манипуляция – инсонларга таъсир кўрсатиш ҳаракати бўлиб, уларни моҳирона бошқариш, хусусан, уларга объект сифатида қараб, беписанд муносабатда бўлиш, зимдан бошқарув ёки таъсир этишдир”. Манипуляция инсонлар феъл-атворини бошқаришни, аниқроғи, омманинг фикрлари ва интилишларини, уларнинг кайфияти ва руҳий ҳолатини программалаштиришни назарда тутди.

Онгни бошқариш муаммосига бағишланган илк асарлардан бири немис олими Герберт Франкенинг 1964 йилда чоп этилган “Манипуляция қилинаётган инсон” китобидир. Бу асарида олим мазкур ҳодисага қуйидагича таъриф беради: “Кўпинча онгни бошқариш деганда яширин ҳолда амалга ошириладиган руҳий таъсирни тушуниш керак ва демак, бу таъсир кимга йўналтирилган бўлса, ўша шахсларга зиён етказишга хизмат қилади”. Манипуляция – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи васваса, уни йўлдан оздириш усулидир. Манипуляциянинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади.

Америкалик олим Р. Чалдини манипуляциянинг бир неча турларини ажратиб кўрсатади: ёрдам сўраш; сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири; сиёсий тарғибот; болаларни тарбиялаш ва ҳоказо. Унинг фикрича, турли хил фондлар учун маблағ йиғувчилар, кўчада савдо қилувчилар, ишбилармонлар, бизнесменлар, савдо агентлари, реклама ходимлари ҳам ўз фаолиятида манипуляциядан кенг фойдаланади. Демак, манипуляция – бу

¹ Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. - М.: “Алгоритм”, 2006. – С. 34.

кишилар онгини енгил-елпи ғоялар, фикрлар ва қарашлар билан атайин нотўғри шакллантириш ҳамда шу тариқа инсонни маъно-мазмунсиз ҳаётга йўналтиришдан иборат. Бу хизматни амалга оширувчи киши манипулятор деб аталади.

Манипуляторга қуйидагилар хос: 1) манипулятор ўз соҳасининг етук мутахассисларидан бири сифатида ғараз ниятли сиёсий кучларга моддий манфаат кўриш учун хизмат килади;

2) манипулятор белгиланган киши ёки муайян гуруҳни манипуляция қилиш, яъни тўғри йўлдан чалғитиш учун турли воситалардан, замонавий техника имкониятларидан унумли фойдаланади;

3) манипулятор ўз ишида кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг қизиқиш, интилишлари ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш усулига қатъий амал қилади;

4) манипулятор ўзига иродаси мўрт, фикри саёз ва фақат бир кунлик ҳаёт билан яшовчи ёшлар орасидан муносиб “шоғирд” ни вояга етказди ҳамда бутун жараёни унинг воситасида бошқаради.

Ғарбда одамлар онгининг манипуляция қилинаётгани ҳақида кўп ёзишган. Бу “оммавий маданият”нинг илк таъсиридан бошланган. Бу ҳақда испан файласуфи Ортега Гасетт: “Кўпчилик одамларда фикр йўқ. Халқ ҳеч қачон, ҳеч қандай фикрга эга бўлмаган. Чунки у борлиқни назарий англай олмайди. Бу эса унинг тўғри қарорлар қабул қилишига халақит беради. Шундай экан, фикр одамларнинг миясига ташқаридан, худди машинага мойни сиқиб киргизгандек, босим билан киритилиши керак”, – деган эди. Олим жамиятга фикрни босим остида, зўрлаб сингдириш яхши эмаслигини билади. “Бироқ, – дейди у, – одамлар манипуляция қилинмаса, жамиятда анархия пайдо бўлади. Бу эса жамиятни инқирозга олиб келади. Жамият нурайди, емирилади”. “Оммавий одам, – дейди у яна, – ўйлай олмайди, аммо унинг фикрлари мантиқ қобиғига ўралган инстинктлардан бошқа нарса эмас.

Муайян ғояларни онг ости тузилмаларига сингдириш механизмидан мухолифлар кенг фойдаланмоқдалар. Ўз-ўзидан, табиий равишда кечувчи

исталган одам ёки ҳайвонда бирор-бир нарса ёки ҳодисага нисбатан майлни юзага келтирувчи психологик механизмнинг ишлаш тартиби ўта оддий бўлиб, бир жинс, бир хил мазмун ёхуд шаклдаги нарса ёки информацияни кетма-кет уч мартадан кўп кўрсатиш ва эшиттириш аввалдан кутилган самарали натижаларни беради. Шахсга кўрсатилган мақсадли таъсир эса онг ости тузилмаларида муайян вақт мобайнида тўпланган маълумотларни тасдиқлаш ёки инкор этиш жараёнларининг бошланишига, бошланганда ҳам ўзига хос автоматик тарзда, яъни инсон иродасидан ташқари ҳолда бошланиб кетишига асос бўлади. Бу ерда мотив, яъни нимага инсон кўпроқ мойил бўлгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон, айниқса, ўзи хоҳлаган нарсанинг тасдиғига эришишга интилади. Шу боисдан муҳолифларимиз қайси маълумотларни беришдан ҳам кўра уларни қандай тарзда етказиш, асосан, суҳбатдошда хоҳиш, майл уйғотишга катта эътибор қаратади. Айниқса, манипуляциянинг таъсири ва оқибатларида сохта диний ташкилотлар, ақидапараст гуруҳлар фаолияти яққол кўзга ташланади.

Бунда аввало, одамларнинг онгига таъсир этиб, уларнинг хатти-ҳаракати (индивидуал жисмоний ҳаётни бошқариш, тобелик ва бўйсунувчанликни пайдо қилиш), олинаётган маълумотнинг ҳақиқий ҳолатини яшириш ёки воқеликни бузиб кўрсатиш, танқидий маълумотларни таъқиқлаш, муайян ғояни мажбуран сингдириш, воқеликдаги воқеа-ҳодисаларни “яхши” ва “ёмон”га ажратиш, ҳиссиётларни (шахс ҳиссиётларини заифлаштириш, унга айбдорлик туйғусини сингдириш, уни гуноҳ, камчилик ва хатоларни расман тан олишга ундаш, ундаги кўрқув ҳиссидан фойдаланиш) назорат этиш орқали ҳар қандай вазифа ёки топшириқни бажарадиган, муайян ғоя ва мафкурага тобе этилган, ўзлигидан маҳрум бўлган кимсалар шакллантирилади. Бунга қарши биз хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим. “Оммавий маданият”нинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиштирноғи билан қарши. Тўғри, бир қараганда “оммавий маданият” хурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча “илму амали” нинг негизига эътибор берилса, инсоннинг

фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади. Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Фикрсизлик оқибатида тобе бўлиш – куч билан бўйсундирилгандан кўра минг чандон фожиали.

Милодий эрадан аввалги VI асрда яшаган хитойлик файласуф ва харбий саркарда Сун Цзи рақиб руҳини синдиришнинг қуйидаги усулларини тавсия этган эди:

1. Рақибингиз мамлакатада нимаики яхши ва хосиятли нарсалар бор – барини бузинг;
 2. Ғанимнинг кўзга кўринган арбобларини турли жиноятларга жалб этинг;
 3. Муҳолифингиз раҳбарлари нуфузига путур етказинг ва керак пайтда жамоат олдида уларни обрўсизлантиринг;
 4. Бундай мақсадлар йўлида энг қабиҳ ва разил одамлар билан тил бириктиринг;
 5. Сизга душман бўлган мамлакат фуқаролари орасида низо уйғотинг ва жанжал чиқаринг;
 6. Ёшларни катта авлодга қарши гиж-гижланг;
 7. Ҳукумат ишига ҳар қандай воситалар билан халал беринг;
 8. Рақиб жангчилари меъёрида таъминланишига ва улар орасида тартиб-интизом бўлишига ҳамма усуллар билан тўғаноқ бўлинг;
 9. Қўшиқлар ва мусиқа билан ёв қўшинининг иродасини букинг;
 10. Душманингиз анъаналарини қадрсизлантириш ва уларнинг ўз худоларига бўлган иймон-эътиқодларини кўпориш учун ҳамма имкониятларни ишга солинг;
 11. Бузғунчилик ишини қиёмига етказиш учун суюқоёқ, енгилтабиат, фоҳиша аёлларни сафарбар этинг;
 12. Ёлғон-яшиқ ваъдаларга сахий бўлинг;
 13. Ўз мақсадингизга эришиш учун ақчани ҳам, ваъдани ҳам аяманг.
- Бундай “маслаҳат”ларни эшитган соф виждонли ҳар бир одамнинг баданига титроқ кириши, ҳар бир оқил одам бу борада қандай катта хавф-

хатар борлигини англаши қийин эмас. Бу тахлит тавсиялар тиғи маънавиятга қарши қаратилганлиги, инсон онги, руҳи, шуурига таъсир қилишга йўналтирилганлигини сезиш осон. Сун Цзидан кейин ўтган даврларда янада даҳшатли, аммо бундан ҳам нозик руҳий қуроллар, мафкуравий воситалар ўйлаб топилди ва ишга солинди. Яна бир тоифа борки, улар маънавий бузуқлик ва ахлоқсизликни янгилик ҳамда эркинлик деб талқин ва тарғиб қилмоқчи бўла-дилар. Маълум муддат илгари, айтайлик, юз-икки юз йиллар олдин бошқа халқлар ҳаётига, уларнинг руҳияти ва қадриятига четдан таъсир ўтказиш осон бўлмаган. Асрлар, минг йиллар мобайнида ўз урф-одатлари, анъана ва маросимлари асосида яшаб келган элат ва миллатлар чет эл русуми – модасини осонликча қабул қилмас эди. Янгиликка қаршилиқ анчайин жиддий бўларди. XX аср ижтимоий онгни бошқариш борасида бурилиш асри бўлди. Миллионлаб кишиларни бир вақтнинг ўзида жадал тарғибот билан камраб олиш имконини берадиган янги технологик воситалар пайдо бўлди. Илгари тасаввур этиб бўлмайдиган кўламларда сиёсий томошалар қўйишга қодир режиссёр - ташкилотлар бўй кўрсатди. Баъзан беозордек кўринган реклама ҳам маданий ўзакни кўпоришнинг кучли воситасига айланаётганини эътиборга оладиган бўлсак, “ғояга қарши ғоя билан курашиш зарурлиги” ҳақидаги фикрнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.³

Мазкур назарияларга хос умумий хусусият шундан иборатки, унинг муаллифлари онгни бошқариш учун, аввало, инсонларни тўдага, оломонга айлантириш зарурлигини, шундан кейин уларни исталган куйга солиш мумкинлигини илмий “асослаб” беришга ҳаракат қилади. Француз олими Ги Деборнинг “Томоша жамияти” (1967 й.) асарида инсонларни тўдага айлантириш мақсадида ўй-хаёлдан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Унинг фикрича, онгни бошқариш технологиялари шундай қудратга эгаки, улар ёрдамида реал ҳаёт, тарихий тажриба асосида тўпланган билим йўққа чиқарилиб, уни режиссёрлар томонидан сунъий шакллантирилган билимга алмаштириб қўйиш мумкин. Шу йўл билан

³ Каримов Б. Х. Қаландаров А. Д. Онгни бошқаришнинг айрим жиҳатлари. – Тошкент: 2007.

инсонда “хаётнинг ўзи бир томоша” деган фикр пайдо қилинади. Унингча, “томоша жамияти”ни шакллантириш учун маданиятни тубдан ўзгартириш, хаёт билан томоша ўртасидаги чегарани онгли равишда йўқотиш, томошага хос хусусиятларни хаётга жорий этиш зарур. Шунда одамлар “мароқли спектакл”даги қизиқарли ўзгаришларни нафасини ичига ютиб кузатаётган томошабинга айланиб қолади. Режиссёр эса сахна ортидан туриб, оммавий томошани киши билмас тизгинлар воситасида бошқариб туради. Ҳақиқий хаёт билан унинг сунъий инъикосини бир-бирдан ажрата олмай қолган инсон онги фалажланади. Энг ёмони, томоша жамиятида инсонга барча нарсани ўйламай-нетмай қабул қилаверадиган пассив томошабин роли “раво кўрилади”.

Шундай қилиб, уларнинг мақсад-муддаолари шунда аён бўладики, инсонларнинг онгу тафаккурини чалғитиш йўли билан уларни маъно-мазмунсиз хаётга йўналтиришга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга улар одамларнинг ихтиёрларини ўзига бўйсундириш оқибатида – ўзлари хоҳлаган гоё-мафкурасини сингдиришга уринадилар.

1.2. Ахборот хуружларига тобелик ўсмирларда девиант хулқ омили сифатида

Ўсмирлик даври инсон ҳаётининг энг мураккаб даврларидан бири ҳисобланиб, илк ўсмирлик 11-13 ёшни, катта ўсмирлик 14-15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим хислати шундан иборатки, у болалиқдан ўспиринлик, ёшликка ўтиш давридир. Физиологик ўзгариш ва жинсий етилишлар, босим остидаги ижтимоий талаблар, шубҳа – гумонлару, ўз-ўзини айблаш кўпгина ўсмирларни кўзгалувчан ҳамда тушқун ҳолатларга солиб кўяди.

Ўсмирлик даврида эндокрин ва нерв системалари фаолиятининг болалик даврида мавжуд бўлган мувозанати бузилади, янгиси эса эндигина ўрнатилаётган бўлади. Бундай қайта қурилишлар албатта ўсмирнинг ички

холати, кайфияти, руҳиятига таъсир кўрсатади ва кўпинча унинг умумий нотурғунлигига, таъсирланувчанлигига, сержахллигига, ҳаракат фаоллигига, вақти-вақти билан ҳамма нарсаларга бефарқ бўлиб қолишлиги ва ланжлигига асос бўлади. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узок муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (кўрқиш, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин бузилишларга ва нерв системаси вазифасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай бузилишлар таъсирланувчанликнинг ортиши, ўзини тута билмаслик, паришонхотирлик, ишда маҳсулдорликнинг пасайиши, уйқунинг бузилиши кабиларда намоён бўлади.

Шунингдек, ўсмирларда ҳудудий автономиянинг намоён бўлиши кузатилади. Бунга кўра, ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, бирон бир ишни бажараётган ёки бирон бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз бўлишга айниқса ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй ҳаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Сухбатлашса ҳам асосан ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлиб, ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлади, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Вақт ўтган сари, ўсмирлар оиладан ташқаридаги бошқа одамларга ўз ҳис-туйғуларини йўналтира бошлайди. Ахборот оқимлари “юзасида суза бошлайди”. Ушбу даврда катталар, ўсмирлар билан ишлаганда уларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини, бу ёшнинг асосий психологик янгиланишини инобатга олиш зарур. Ўсмирни тўғри йўлда уни ўқитаётган қоидалар эмас, соғлом тарбия ва унга бўлган ишонч ушлаб туради.

Ўсмирга эса қоида ҳам, ота-онасининг ҳаётдаги бўшлиқларни тўлдирадиган бу қоидаларни ўргатиш учун унга бераётган эътибори ҳам керак. Агар уйда ўсмир ёшини ҳисобга олиб, бола билан ўзаро дўстона, юмшоқ муомалада бўлинса, шароитга қараб фарзандининг хоҳиш истакларини инобатга олиб иш кўрилса, фарзандга шахс сифатида қаралса, у буни сезади ва ўзаро фикрлашади, ёлғизликдан қочади, яхши хулқни

шакллантиради. Акс ҳолда ўсмир салбий ахборотлар маконига дуч келади, кўчадан ўзига бошқа машғулот топади ва салбий хулқ-атворни намоён этади.

Хорижлик олимлар томонидан интернетга тобеликнинг қуйидаги аломатлари аниқланган.

1) Ҳоҳишсиз (ўзини бошқара билмаган тарзда) e-mailни текшириб туриш;

2) Интернет тармоғида ишлашни беихтиёр орзу қилиш;

3) атрофдагиларнинг интернетдан фойдаланувчига нисбатан “кўп вақтини тармоқда сарфлаётгани ҳақидаги” шикоятлари;

4) интернетда ишлаш учун ёки компьютер қурилмалари учун ҳаддан ташқари кўп маблағни сарф этиш, иш давомида кофе ёки психостимуляторларни кўп истеъмол қилиш;

5) Интернетдан ишлашдан қониқиш вақтининг ортиб бориши;

6) Агар фойдаланувчи интернетдан фойдаланиш вақтини оширмаса, унинг сезиларли даражадаги таъсирини сезади;

7) Рад этиш синдроми: характерга боғлиқ “рад этиш синдроми”, “бошқариб бўлмайдиган даражада”, қизиқиш; ташвишга тушиш; интернетда ҳозир нима бўлаётгани ҳақида узлуксиз ўйлаш; Интернет ҳақида доимий хаёлларга бориш; ихтиёрий ва ихтиёрсиз тарзда бармоқлар ҳаракати (клавиатурада ишлаш ҳолатини эслатади). Бу синдромлар инсон ижтимоий ва касбий фаолиятининг сусайиши ва бузилишига олиб келади;

8) Интернетда мўлжалланган вақтдаги ортиқ ишлаш;

9) Интернетда ишлаш вақтини чегаралашга ҳоҳишнинг бўлиши ёки ўз ҳаракатларини назорат қилишга бўладиган интилишлар;

10) Асосий вақтни интернетда бирор фаолият олиб боришга бағишлаш (интернет ҳақида китоблар соиб олиш, янги барузерларни қидириш, провайдерларни доимий ўзгартириб туриш, тармоқда ишловчи дастурларни доимий янгилаш ва ҳ.к.);

11) Ижтимоий, касбий фаолият, дам олишнинг бесамар ёки вақтидан аввал тугаши;

- 12) Даврий ёки узлуксиз жисмоний, оилавий муаммолар доимий келиб чиқишдан қатъий назар, интернетдан фойдаланишда давом этиш;
- 13) Компьютер олдидаги эйфория (ҳақиқий аҳволга мос келмаган ҳолда кайфиятнинг кўтаринки бўлиши) ёки ўзини яхши ҳис этиши;
- 14) Харакатларни тўхтата олмаслик;
- 15) Оила аъзолари, яқинлари, дўстлари ва касбдошларини менсимаслик;
- 16) Компьютердан узоклашиш билан ҳафсаласизлик, депрессия, ғазабланиш ҳолатларининг вужудга келиши;
- 17) Иш берувчилар ва оила аъзоларига ўз кунлик меҳнат фаолияти ҳақида ёлғон маълумотлар бериш;
- 18) Касбий ва ўқув фаолиятида муаммоларнинг келиб чиқиши⁴.

Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлар бўлгани учун уларни “номақбул” ахборот хуружларидан ҳимоялашимиз зарур. Чунки, интернетдаги ёт ғоялар, носоғлом ахборотлар ёшлар таълим-тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда.

Ахборот хуружлари – бу шахсга, муайян ташкилот ва давлатга йўналтирилган таъсир бўлиб, унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг нормал ҳаёт тарзининг бузилишини назарда тутган сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ғаразли ниятларидан келиб чиқади.

Ўсмир ёшларни ёт ғоялар қармоғига тушиб қолишдан асрашда зарурий чораларни кўриш давр талабидир. Биринчидан, очиқ ахборот хуружлари вазиятида ўсмир шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини бошқаришда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, таъкидланганидек, ҳар бир инсон учун мустақил фикр зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

⁴ Ш.Тўраев, Х.Очилов, М.Хўжаев, Ф.Жўрақулов, Н.Алимов, О.Худойназаров Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари номли монография материаллари. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2016. - 43-б.

- Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

- Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган “компас” ролини ўйнайди.

- Тўртинчидан, таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг авторитетини, улар айтадиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи айтадиган фикрлардан бири – ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи-ҳаракатларининг охири-оқибати нима билан тугагини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир мураббий ва ўқувчига етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда “учинчи шахс таъсири” эффекти рўй беради. Унинг маъноси – “бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди” деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирида тушиб бўлган бўлади. Халиги фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши ҳаёлидан ўтказди;

в) ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган

хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай “Интернет”га уланиш, уйда замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам.

г) хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси канчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очикдан очик ёшларга “бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда” десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин “огоҳлантирилган одам куролланган, муҳофазаланган бўлади” деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддатлари ҳам роль ўйнайди. Масалан, психологик экспериментларда бир хафта ааввал огоҳлантиришнинг таъсири узоқроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган. Ёки уйда холи, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ғализ хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни кучлироқ намоиш этиши кузатилган (*Р.Чалдини*). Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантириш қарши аргументлар ишлаб чиқиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради (*Ж.Тернер*).

д) таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни очикчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча

узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи муайян ахборот мазмуни ёки унинг манбаига нисбатан очиқ тарзда ўз норозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиши мумкин. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири – очиқ ахборот манбаларидан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни очиқ тан олишдир. Масалан, баъзан талаба Ўзбекистонга қарши бўхтонли хабарни эшитганини ташвиш билан устозига айтиши мумкин. Шундай пайтларда эшитган маълумотининг мазмунини сўраб олиб, уларнинг айримлари борасида ҳақ гапни айтиши: “Ҳа, дарҳақиқат буларни биз ҳам биламиз, Сен билмасмидинг?” деб, ахборотнинг асл бўхтон қисмини кейин рад этиши мақсадга мувофиққидир.

Демак, ахборот хавфсизлигини таъминлашда ўсмирнинг онгигина эмас, балки, ҳис туйғуларини ҳам эътибор бериш, унда жамиятнинг шахсга кўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўсмирнинг онгига, ҳиссиётига (оилада ва дарсда ва турли синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқини идора қилиш жараёнида) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади. Ўсмирни тарбиялашда буларнинг биронтаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса мақсадга эришиш қийинлашади.

Иккинчидан - инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат ва фаолият билан боғлиқ. Шу сабабли меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ижтимоий тараққиёти негизидир. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисми ва шахс сифатида улғайиш омили ҳамдир. Шу сабабли ҳам мафкуравий иммунитетни оширишда ўсмир ёшни болалик чоғидан меҳнатга бўлган қизиқишни ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки, мунтазам қилинган меҳнат жараёнида бола ўз ақлини, иродасини, ҳиссиётини, характерини ривожлантиради, дунёқарашини шакллантириб боради. Ўсмирларда меҳнатга ахлоқий тайёрлаш - уларда жамоада ишлашни,

дўстона ўзаро ёрдамни, ижодий ташаббусни, ташкилотчилик қобилиятини намоён қилишдан ташкил топади. Психологик жиҳатдан тайёрлаш эса улардаги турли психологик жараёнларни-сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур ва эмоцияларни. ривожлантириш ва такомиллаштиришни назарда тутди. Меҳнат шахсдаги энг муҳим ирода ва ахлоқий сифатларнинг ривожланишига ҳам ёрдам беради, меҳнат малакалари маданиятини шакллантиради. Буларнинг барчаси эса шахсдаги мустақил фикрни юзага келишига туртки бўлади. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳаётий ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин бўлади.

Зеро, компьютер воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бундай хуружнинг ўзига хослиги шундаки, компьютер тармоқлари орқали етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзилени билиш анча мушкул бўлади. Яъни, хуружга қарши туришда унинг кимдан ва қаердан келаётганлигини билиш муҳим, айнан шу жиҳат компьютер терроризми деб аталмиш хавфни бартараф этишда қийинчиликлар туғдиради. Чунки бу восита орқали тарқатиладиган ахборот бир зумда нафақат бир давлат доирасида, балки бир қанча мамлакатларга тезкор ахборотдай тарқалиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, компьютер жинояти содир этилганда унинг объекти бевосита компьютер, компьютер орқали узатиладиган маълумот ва тармоқ ҳисобланади.

Мутахассислар компьютер жиноятчилигининг қуйидаги турларини фарқлайдилар:¹ 1) терроризм; 2) жосуслик (халқаро ва саноат соҳасидаги); 3) экстремистик гуруҳлар фаолияти (сиёсий, экологик ва диний йўналишлардаги); 4) уюшган жиноятчилик ва қаллоблик; 5) хакерлар фаолияти (алоҳида ва уюшган гуруҳлар).

¹ Каменьская Е.Н. Социальная психология: Конспект лекций: Учебное пособие / Е.Н. Каменьская. Изд-е 2-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – 192 с. (С. 179).

Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметига айланиб бормоқда. Г.Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик қонуниятлар инобатга олинади. Ахборот-психологик қурол – бу янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, Интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир.

“Ахборот уруши” тушунчаси нисбатан янги бўлиб, у ўзига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий борлиқнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Унинг асосий кўринишларидан бири – компьютер вируслари ва янги технологияларни ўғирлаш орқали зиён етказишдир. Ахборот урушининг оқибатида аввало танлаб олинган аудитория (кўпинча бу ёшлар аудиторияси)нинг билимлари, таълим тизимига таъсир кўсатилиб, уларнинг анъанавий маданиятини кўпориб ташлашга уриниш содир бўлади. Бундай шароитда одатда “ҳамма ҳаммага қарши” бўлиб, мағлуб томон одатда у ёки бу соҳадаги устувор мақомини батамом йўқотади. Бундай қуролни ишлатишни билган ғараз ниятли одамлар қатта ижтимоий гуруҳларни ёки яхлит мамлакатларни ўзига тобе қилиши, ўз ахборот маконида сақлаши мумкин. Одатда қайси мамлакатда ахборот ресурслари кўп бўлиб, у юқори технологиялар борасида илгарилаб кетган бўлса, айнан шу давлатнинг ахборот уруши қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли, дастлаб ахборот урушлари ҳақидаги ахборотлар ривожланган Япония ва АҚШ да қайд қилина бошланган.

Шундай қилиб, ахборот уруши – бу гуманитар соҳада бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа бир ижтимоий гуруҳ манфаатларидан қатъий назар уни ўзига тобе қилиш, ўз қадриятларига кўндиришга қаратилган узокни кўзлаган сиёсатидир. Бунда асосий қурол ролини чексиз маълумотлар маконида фаолият юргизаётган электрон ОАВ ўйнайди.

Ахборот урушлари олиб боришнинг услулари ҳам турлича бўлиб, унинг асосийлари қуйидагилардир:

Ахборот хуружларининг энг кенг тарқалган турига аввало рекламани киритиш мумкин. Чунки яхши ишланган реклама – бу одамларнинг ишонч ва эътиқодини жуда тез ўзгартиради. Ишонч ва эътиқоднинг ўзгариши эса эгасини дадил ҳаракатларга чорлайди.

Террористик ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти. Уларнинг ислом динини ниқоб қилиб, одамларни шавқатсиз ўлдириб, шу билан бирга интернет сайтларида диний тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошираётгани.

Гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш ва ҳарбий қурол аслаҳаларни қандай ишлатиш бўйича кўрсатмаларнинг бериб борилаётгани.

Ҳар хил порнографик суратлар ва фильмларнинг тарқалиб бораётгани.

Асосли ва асоссиз ахборотларнинг бериб борилаётгани.

Ғарбдан кириб келаётган “оммавий маданият”га тарғиб қилишнинг кучайгани.

Шавқатсизликни тарғиб қилинаётган онлайн ўйинларнинг кўпайиб кетаётгани.

1-боб бўйича умумий хулоса

Демак, ахборот хуружи – бу гуманитар соҳада бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа бир ижтимоий гуруҳ манфаатларидан қатъий назар уни ўзига тобе қилиш, ўз қадриятларига кўндиришга қаратилган узоқни кўзлаган сиёсатидир. Бунда асосий қурол ролини чексиз маълумотлар маконида фаолият юргизаётган электрон ОАВ ўйнайди. Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметига айланиб бормоқда. Г.Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик қонуниятлар инобатга олинади. Ахборот-психологик қурол – бу янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, Интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир. Ахборот олиш борасидаги аҳолининг энг фаол қисми ёшлар ҳисобланади. Маълум даражада ижтимоий фойда келтираётган ахборотларнинг истеъмолчилар,

яъни ёшлар томонидан олинishi яхши, аммо ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, одамларга зарар етказишга, ўз-ўзини ўлдиришга, ҳаттоки, инсониятга қарши қурол кўтаришга ундовчи ахборотларга ҳам айнан ёшлар эга бўлмоқдалар.

Интернет тўри кўпгина ёшларни ўз домига тортаётгани ҳеч кимга сир эмас. Унда қуйидаги салбий жиҳатларга эътибор қаратиш зарур.

- Террористик ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти. Уларнинг ислом динини ниқоб қилиб, одамларни шавқатсиз ўлдириб, шу билан бирга интернет сайтларида диний тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошираётгани.

- Гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш ва ҳарбий қурол аслаҳаларни қандай ишлатиш бўйича кўрсатмаларнинг бериб борилаётгани.

- Ҳар хил порнографик суратлар ва фильмларнинг тарқалиб бораётгани.

- Асосли ва асоссиз ахборотларнинг бериб борилаётгани.

- Ғарбдан кириб келаётган “оммавий маданият”га тарғиб қилишнинг кучайгани.

Бинобарин, ахборот асрида яшаётган эканмиз, ҳар қандай бузғунчи ғояларга нисбатан кучли мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва, айниқса, ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоғимиз керак бўлади. Шу билан бирга инсон онги аҳамиятини ҳам унутмаслик зарур.

Онгни бошқариш орқали одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаш мумкин. Психолог ва социолог олимларнинг таъкидлашича, манипуляция – психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, ундан кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. Манипуляция инсонлар феъл-атворини бошқаришни, аниқроғи, омманинг фикрлари ва интилишларини, уларнинг кайфияти ва руҳий ҳолатини программалаштиришни назарда тутлади.

Манипуляциянинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади. Бунда аввало, одамларнинг онгига таъсир этиб, уларнинг хатти-ҳаракати (индивидуал жисмоний ҳаётни бошқариш, тобелик ва бўйсунувчанликни пайдо қилиш), олинаётган маълумотнинг ҳақиқий ҳолатини яшириш ёки воқеликни бузиб кўрсатиш, танқидий маълумотларни таъқиқлаш, муайян ғояни мажбуран сингдириш, воқеликдаги воқеа-ҳодисаларни “яхши” ва “ёмон”га ажратиш, ҳиссиётларни (шахс ҳиссиётларини заифлаштириш, унга айбдорлик туйғусини сингдириш, уни гуноҳ, камчилик ва хатоларни расман тан олишга ундаш, ундаги кўрқув ҳиссидан фойдаланиш) назорат этиш орқали ҳар қандай вазифа ёки топшириқни бажарадиган, муайян ғоя ва мафкурага тобе этилган, ўзлигидан маҳрум бўлган кимсалар шакллантирилади.

Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий ҳуқ-атворини ўрганиш лозим.

1. Ота-оналарнинг фарзандлар билан муомаласининг етишмаслиги. Улар ўзлари, ишлари ҳақида кам сўзлаб берадилар, ўз фарзандининг қизиқишлари, унинг жамоат ишлари, бу ишга муносабати ва ҳоказолар билан кам қизиқадилар. Муомаланинг етишмаслиги болаларнинг ота-онадан узоқлашишига олиб келади, катталарни фарзандга янада фаолроқ таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрум этади.

2. Фарзандларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини ташкил қила билмаслик она ишга кўмилиб кетган пайтда улар оилавий, маҳалла, турар жойлардаги ишлардан ва ҳоказолардан озод этиладилар. Бунинг натижасида меҳнатни менсимаслик муносабатида бўладилар.

3. Ота-оналар турмушида салбий мисолларнинг мавжудлиги таълим тизимининг педагогик куч-ғайратини йўққа чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирининг изчил эмаслиги - онда-сонда ўқишни текшириш, бирор нозуя иш учун жазолаш ва хоказолар ахлокий иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида тақиқлашлар системаси - ижобий намуна асосида тарбиялай билмаслик, фарзанд ҳаётини у ҳар доим турли ҳатти ҳаракатни машқ қиладиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир. Бу система фарзанднинг катталар хоҳишига салбий муносабатини туғдиради, мустақилликнинг ривожланишини сусайтиради.

6. Айрим ота-оналарнинг фарзандлар улғайиб бориши билан тарбиявий фаолликни сусайтириб юборишлари, бу эса уларнинг ота-оналардан узоқлашувиға, таълимға қизиқиши пасайишиға ва хоказоларға олиб келади.

7. Қарорлар қабул қилишда кечикиш. Фарзанд катта бўлгандан кейин ақли кириб, тузалади деб ўйлаш одатда ўзини оқламайди, кўпинча қайта тарбиялашни талаб этадиган педагогик жиҳатдан қаровсизлик ҳолатиға олиб келади.

II-БОБ. ЎСМИРЛАР АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган устувор вазифаларнинг хусусияти

Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни куйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчи тоифадаги ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва терорчилик ғоялари, миллатчилик, иркчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар эса ғарб ҳаёти тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага парнографик ахборотлар киритади.

Тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли ҳужумкор ахборотларни киритиш мумкин.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётгани ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлар, халқларни ҳам ташвишга солмоқда.

Турли ғояларни тарғиб этишда замонавий мобил телефонларнинг ҳам “ҳиссаси” катта бўлаяпти. Телефон аппаратларига ёзилган ёвузлик ёки бирон бир ташкилотнинг, гуруҳнинг фаолиятини тарғиб этувчи роликлар, клипларнинг кўпайиб кетаётгани ёшларнинг тарбияси, ахлоқи бузилишига олиб келаяпти. Давлат хавфсизлигини таъминлашда, халқ манфаатларига зид бўлган ахборот тарқатилишининг олдини олиш энг муҳим вазифа эканини англаб, айрим мамлакатларда глобал тизимга ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хитой мамлакатада махсус “Ватанпарвар хакерлар” деб номланган интернет хавфсизлигини таъминловчи ташкилот мавжуд. Ушбу ташкилотда 20 мингдан ортиқ компьютер мутахассислари фаолият юритади. “Ватанпарвар

хакерлар” мамлакатга хавф солувчи “номаъкул” ахборот хуружларининг олдини олишади. Ҳозирги пайтда, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатда “Интернет ҳимоячилари” гуруҳи ташкил этилган ва “ҳимоячи”ларга 1,5 миллиард АҚШ долларида ортиқ маблағ сарфланади. Бу эса глобал жараёнда ўз мамлакатида “номақбул” ахборот олишни чеклайди. Бундан ташқари, Ҳиндистон давлатининг Техника институтидаги Электрон хавфсизлик факультетида “Интернет ҳимоячилар”и фаолият юритмоқда. Ҳар йили ушбу факультетни муваффақиятли тугатган 10 нафар талабалар “Интернет ҳимоячилар”и сафига ишга қабул қилинади¹.

Бугунги кунда интернет бутун дунёни камраб олган., жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатида 150 миллионга яқин абонентга эга бўлган глобал компьютер тармоғига айланди. Тармоққа уланиш ҳар ойда 7-10% га ўсиб бормоқда.

Бошқа соҳалардаги салбий ўзгариш ва замон билан боғлиқ муаммоларни нимадир қилиб тузатиш, ҳал этиш мумкин дир, одамларнинг (айниқса ўсмирларнинг) маънавий оламидаги ахлоқидаги салбий эврилишлар инсониятни тубсиз жарликлар сари етаклайди.

Ўсмирларнинг аксарияти ўрта мактаб, ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари бўлиб, уларни турли хил ёт ғоялар таъсиридан асраш, қарши курашиш, тушунтириш тарғибот ишларини олиб бориш таълим муассасаси маънавий-маърифий ишларининг узвий қисми ҳисобланади. Маънавий-маърифий ишларни режа асосида бажарилиши ва назоратини бевосита таълим муассаса директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари олиб боради. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари муассаса психологи, АРМ раҳбари, Ёшлар етакчиси, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси, “Ижтимоий-гуманитар фанлар”кафедраси, гуруҳ раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, услубий-амалий ёрдам кўрсатади, педагогик-психологик маслаҳатлар

¹ Ш.Тўраев, Х.Очилов, М.Хўжаев, Ф.Жўракулов, Н.Алимов, О.Худойназаров Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари номли монография материаллари. Т;-2016. “Турон замин зиё”. 41-бет

ўтказди. Ҳар ойнинг охири ҳафтасида ой давомида маънавий-маърифий ишларнинг олиб борилишини мониторинг қилади.

Таълим муассаса раҳбари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан турғун ва мунтазам дарс қолдирувчи, тарбияси оғир ўқувчилар, ИИВ нинг рўйхатида турадиган, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ҳамда носоғлом оилаларнинг фарзандлари билан мунтазам тарбиявий ишларни маҳалла ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мониторингини олиб борилади.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, билим ва тафаккури ўткир, маънавиятли, аниқ касбга ва мутахассисликка эга, ғоявий собитқадам фарзандлар, яъни баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси илгари сурилди. Шундай экан, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оилада – ота-оналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдирлар. Бу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнидаги 175-сонли қарори билан “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди ва Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад – ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялашда оилалар, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб

борадиган фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик фаоллигини оширишдир.

Мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг намунавий йиллик иш режасида “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия, миллатлараро тотувлик”, “Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган зарарли ҳолатларнинг олдини олиш” йўналишида мунтазам равишда маҳаллий хокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний идора вакиллари, маънавият тарғибот гуруҳи вакиллари иштирокида мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар, турли хил диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётган фуқароларнинг ҳаётига бағишланган видеофильмлар, “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан ишланган кинофильмлар ўқувчиларга намоёйиш этиб келинмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар ижтимоий-маънавий ҳаётига шиддат билан билан кириб келаётган “оммавий маданият” ва унинг ахлоқий тубанлик, индивидуализм, эгоцентризм ва зўравонлик каби кўринишлари, турли ижтимоий тармоқлар ва улардан тарқалаётган инсоннинг маънавий дунёсини бутунлай бузиб юборадиган, ёвуз мақсадларни тарғиб қилаётган ғоялар, мобиль телефонлар, турли интернет сайтлари ва улардан тўғри фойдаланиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига қаратилган “Эҳтиёт бўлинг: уяли телефон орқали тарқатилаётган маънавиятсизлик” мавзуида таълим муассасаларида учрашув, мулоқот, суҳбат ва маърузалар, давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Бу мавзуларнинг долзарблик даражасини кўриб, маънавият соатлари бўйича мавзуларни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Бу каби такрорий мавзулар билан ўқувчиларни зериктиришимиз керак эмас. Бугунги замон

талабидан келиб чиқиб, ахборот истеъмоли маданияти, мобилъ телефон ва интернетдан фойдаланиш маданияти, бола маънавиятини ахборотнинг салбий таъсирларидан асраш бўйича мавзуларни ҳам киритиш мумкин. Агарда болаларимизда ахборот истеъмоли маданияти юксак бўлса, вайронкор ва ёвуз ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни юқори даражада шаклланишига эришамиз.

“Маънавият соати”нинг ўтилиш услубига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг барчасида деярли бир хил метод: суҳбат, давра суҳбати. “Маънавият соати”ларида ҳам янги педагогик технологиялардан фойдаланиш лозим. Семинар-тренинг тарзида ўтилса болалар учун қизиқ бўлади.

Маҳаллий хокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик вакиллари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиши юзасидан профилактика тадбирлари ўтказилади. Профилактика тадбирлари ва уюштирилаётган рейдлар давомида вояга етмаганларнинг дарс вақтида интернет кафеларда, тунги соат 22-00 дан сўнг ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз тунги клуб ва кўнгил очар масканларда, интернет кафеларда бўлишига йўл қўймаслик чоралари кўриб келинмоқда. Ҳуқуқбузар вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

Таълим муассасаларда вояга етмаганларни турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда мобилъ телефонлардан, интернетдан тўғри фойдаланиш, ижтимоий тармоқлар орқали кимлар билан мулоқот қилаётганлиги, ўз жонига қасд қилувчи, зўравонлик ва шавқатсизликни тарғиб қилувчи ўйинлар, фарзандларимиз телефонларидаги беҳаёликни тарғиб қилувчи расмлар, видеолавҳаларни назорат қилиб бориш долзарб вазифалардан саналади.

Муҳтарам Президетимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва

жиноятчиликка қарши курашиш куни деб эълон қилинди. Шу муносабат билан таълим муассасаларда профилактика куни доирасида мунтазам равишда ўқувчиларнинг давомати, мобиль телефонлари қаътий назорат қилиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида вояга етмаганларнинг “Кўк кит”, “Тинч уй” каби ўз жонига қасд қилишга ундовчи виртуал гуруҳлар таъсирига тушишининг олди олинмоқда.

Афсуски, вояга етмаганлар орасида интернетга, компьютер ўйинларига тобелик, ёшлар таълим-тарбиясида “оммавий маданият” нинг салбий таъсири сезилмоқда. Вояга етмаганларнинг кийинишидаги ғарб маданиятига таклид, ҳаётга енгил қараш, мақсадига тез ва осон йўл билан эришиш, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, муомала маданиятидаги қўполлик каби салбий иллатлар илдиз отмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учрамоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида бу каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасида таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Ушбу тадбирларнинг самарадорлиги тадбирдан сўнг ўқувчиларнинг фикри ўрганилмайди. Ушбу тадбирлар ўқувчининг эътиборини жалб этмайди. Натижада улар тадбирларга мажбуран иштирок этди. Бу каби масалалар таҳлил қилинмайди. Шунингдек, тадбирлар тизимли ташкил этилмайди. Таълим муассасасида фаолият олиб бораётган психологларнинг бу борада олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмас. Психологларнинг малакасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатишга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Психологлар томонидан ўқувчилар ўртасида ушбу йўналишдаги мавзуларга бағишланган семинар-тренинглари мунтазам равишда ўтказилмайди.

Ўқув йили бошидан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудда жойлашган барча мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия, миллатлараро

тотувлик”, “Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган зарарли ҳолатларнинг олдини олиш” йўналишидаги тадбирларнинг режа-жадвали ишлаб чиқилиб, ижросини мунтазам назорат қилиб боришни йўлга қўйиш лозим. Таълим муассасаларида ўтказиладиган маънавий соатларига диний идора вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакилларининг иштирокини йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир мавзу юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар иштирокида ўтилса, ўқувчилар янада аниқ ва кенг маълумотларга эга бўлади.

2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Уюшган ёшлар” ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндalари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Муҳтарам Президентимиз ўз нутқида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб қўйидагиларни таъкидлаб ўтди. «.....Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган даъватга бугун “Ўз болангни ўзинг асра!” деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман. Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озуқа керак. Агар шу озуқани ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап

нима ҳақида кетяпти! Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим». Мухтарам Юртбошимиз томонидан билдирилган фиклардан ва замон талабидан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ишларимизни тизимли ва изчил тарзда ташкил этишимиз лозим.

Фақат давра суҳбати, учрашувлар ўтказиш билан чекланмай, тадбирларимизнинг замонавий шакл ва услубларидан фойдаланиш керак. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларда китобхонликка меҳр уйғотиш бўйича замонавий услуб ва шаклларни жорий этиш лозим. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари муассасани битиргунга қадар ўқиши лозим бўлган бадиий адабиётлар рўйхатини тузиш ва уларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Ўсмирларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш механизмлари фаолиятининг амалий таҳлили

Биз битирув малакавий ишининг эмпирик базасини ҳосил қилиш мақсадида Тошкент шаҳри ...касб-ҳунар коллежи талабалари орасида анкетали сўровнома ўтказдик. Анкетали сўровнома аноним бўлиб, шахсга тегишли маълумотлар қайд этилмайди. Саволларга берилган жавоблар

умумлаштирилган ҳолда қайта ишланади ва олинган натижалардан битирув малакавий ишининг эмпирик базаси ҳосил қилинади.


Тадқиқотда Тошкент шаҳри Чилонзор туани Радио-техника ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг 20 нафар ўқувчилари иштирок этди. Респондентларнинг жинсий кесим бўйича тақсимоти қуйидаги диаграммада келтирилган.

1-гистограмма. КХТМ ўқувчиларининг жинсий кесимда тақсимоти.



Демак, тадқиқотда 57% қизлар ва 43% йигитлар иштирок этди. Уларнинг ёш бўйича тақсимотиغا биноан қуйидагича кўрсаткичлар ҳосил бўлди.


2-гистограмма. Тадқиқот иштирокчиларининг ёш бўйича тақсимоти



Тадқиқот иштирокчиларининг ёш кўрсаткичлари (2-гистограмма) Тошкент шаҳридан 15-16 ёшилар жами иштирокчиларнинг 36% и, 17-18 ёшлилар 61%ни ташкил этди. 19-30 ёшдаги иштирокчилар қайд этилмади.

Социологик сўров варақасининг биринчи қисми “Ўсмирларда Интернет ва мобиль телефондан фойдаланиш даражасини баҳолаш”га қа ратилди. Ушбу йўналиш бўйича дастлабки савол натижаларининг таҳлили қуйидаги расмда келтирилган.


3-гистограмма. «Ўзингиз учун ахборот олишнинг бирламчи манбаини кўрсатинг?»



Ушбу савол натижаларининг қайта ишланиши асосида олинган хулосаларга биноан коллеж ўқувчилари учун ахборот олишнинг бирламчи манбаи китоб саналади. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич бошқа манбаларга нисбатан юқори (39%). Ахборот олишнинг иккинчи муҳим манбаи сифатида Тошкент шаҳрида бу маънода ўқувчилар ўз педагог-устозларига (27%) мурожаат этишни афзал билади. Интернет ахборот манбаи сифатида Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 17% и томонидан танланган бўлиб, бундай ҳолат икки хил мазмундаги хулосаларни илгари суради. Дастлаб, ўқувчиларда интернетдан фойдаланиш имконининг турли сабаблар боис чекланганлиги бўлса, иккинчидан уларнинг мазкур саволга берилган жавобларнинг ишончлилиқ даражасига шубҳа туғдиради. Қуйидаги

саволга берилган жавобларни қиёсий таҳлили юзага келган дилеммага ойдинлик киритади. Тошкент шаҳри КХТМ ўқувчиларида кўпчилик (40%) интернетдан фойдаланмасликларини, ўртача 22,5% эса кўпи билан 3 мартагача фойдаланишларини билдирганлар (1-диаграмма).


1-диаграмма. “Сиз Интернетдан фойдаланасизми?”



Қайд этиб ўтиш жоизки, интернетга дастлабки ташрифлар одатда безарар ва беғараз ахборот ва мулоқотга киришиш мақсадида амалга оширилади. Бу янги, унчалик тўлиқ ёки фойдали бўлмаган ахборотни олишга йўналтирилган. Кейин танишлар, дўстлар билан мулоқот эҳтиёжи туғилади. Интернет бунда ранг баранглиги ва мультимедиали имкониятлар чексизлиги билан жалб қилади. Шунингдек, машҳурлар, севимли футболчилар, мусиқачилар, шаҳарлар ва мамлакатлар, ёшлар орасида янги оқимлар ва бошқа ёшларнинг ҳаёти ҳақида ахборотларни тезкорликда олиш мумкинлиги билан жозибали ҳисобланади. Тадқиқотда ўқувчиларнинг ўртача 38,5% кўпи билан 20-30 минут Интернетда вақт сарфлашини билдирган. Ўртача 20% ўқувчилар эса кўпи билан 1 соат вақтини Интернетда сарфлаши маълум бўлди. Ўртача 32% ўқувчилар Интернетдан умуман фойдаланмасликлари аниқланди. Демак, гистограммада кўрсатилган

натижаларга биноан ўқувчилар учун Интернет ахборот олиш учун бирламчи манба саналмайди ва улар шу боис Интернетда кўп вақт сарфламайди.

4-гистограмма. «Сизнингча замонавий ёшлар орасида қандай сайтлар оммалашган?»




Интернетнинг энг хавфли жиҳатларидан бири бу унга ташриф буюрган кишига барча нарсалар чекловларсиз мумкинлиги туйғусини бағишлайди. Натижада, интернетда ўз жонига қасд қилувчилар, гиёҳвандлар, террорчиликка тайёрловчилар клублари ва рухий деградацияга учраган, чуқур тушкунлик кайфиятидаги деструктив ғоялар таъсиридаги гуруҳлар шаклланган. Шунингдек, хакерлар фаолияти илдиз отиб, улар паймол этилган шуҳратпарсалик туйғусини ўз йўлида учраган барча нарсаларни вайрон этиш орқали қондиришга уринадилар. Бу каби интернет мойилликка дучор бўлган асосан ўсмирлар компьютерда узок вақтли ишлаши натижасида организмнинг кўплаб функциялари фаолияти издан чиқади. Бу олий асаб тизими, эндокрин тизим, иммун ва репродуктив тизим, кўриш қобилияти, суяк-мускул тизимининг издан чиқишидир.

Интернетдан ўсмирлар қандай мақсадда фойдаланишини аниқлашга қаратилган навбатдаги савол таҳлилларига биноан ўқувчиларининг 38% и,

яъни кўпчилиги, ҳозирда ёшлар “виртуал мулоқот” учун интернетга киришларини билдирганлар. Ўқувчиларининг ўртача 19% и фикрига кўра ўқувчи ёшлар виртуал энциклопедилар ва ОАВлари сайтларидаги маълумотлардан фойдаланиш мақсадида фойдаланишларини билдирганлар. 22% тайёр реферат ва маърузаларни олишни истаса, 23% ўқувчилар мусикий ва видеоли сайтларга киришларини билдирганлар. Демак, Интернет ўқувчи ёшлар учун аввало дарсларга тайёргарлик кўришдаги асосий манба бўлса. Иккинчидан кўнгилочар мақсадларда фойдаланадиган манбадир.

Биз биламизки Интернет замонавий тараққиёт шароитида нафақат ўқувчи ёшлар балки аҳолининг кенг қатламлари учун ахборот олишнинг тезкор, қулай воситаси саналади. Унинг киши учун қатор қулайликлари ва устунликлари мавжуд. Тадқиқот давомида иштирокчиларга интернетнинг ижобий жиҳатлари борасидаги қуйидаги савол билан мурожаат этилди.

5-гистограмма. «Интернетнинг ижобий жиҳатларини сананг?»



Ушбу Саволга берилган жавобларнинг таҳлилига биноан Интернетнинг ижобий жиҳатлари сифатида аввало Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 55% и кидирув тизимининг осонлигини билдирган бўлсалар, ўртача 14% ўқувчилар онлайн учрашувлар ва форумларда иштирок ҳамда маълумотларни олиш тезлигини алоҳида қайд этган. Демак, интернет ҳозирда асосан кишини қизиқтирувчи ҳар қандай мавзу ва йўналишдаги маълумот ва ахборотларни топа олиш, тез ва қисқа фурсатда ҳамда осонлик билан уларни юклаб олиш имконияти билан қулайлик туғдирмоқда.

Аmmo биз биламизки Интернет фақат ижобий хусусиятларга бўлиб қолмай ундан меъеридан ортиқ ва ахборотлардани филтрлаш қобилиятига эга бўлмай туриб фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келмоқда. Ундаги улкан кўлам ва мазмундаги ахборотлар нафақат кишининг турли мазмундаги ижобий фаолияти учун манба бўлиб қолмасдан, балки салбий мазмундаги ғараз ниятли шахслар ва гуруҳлар учун ўз деструктив ниятларини амалга оширишда улкан синов майдонидир.

Айниқса ўсиб келаётган ёш авлод учун Интернетнинг сарҳадсиз кенгликларида назоратсиз ва шаклланмаган маънавий иммунитетсиз “сайр” қилиш қутилмаган таҳдидларни юзага келтирмоқда. Виртуал мулоқот натижасида асосан кўриш ва гадвани тутиш соҳасида муаммолар юзага келади. Ўнг қўл ва бармоқларнинг оғриғи ва жонсизланиши кузатилади. «Сичқончани ушлаб турган - қўл» симптоми расман тан олинди.

Компьютерда ишлаш давомида қўллар доимий эгилган бўлади. Кафтнинг узоқ вақт давомида ҳаракатсиз осилиб туриши натижасида қон айланиб секинлашади ва қотиб қолади. Шиш содир бўлади, асаблар қисилади. Натижада оғриқ туради. Айниқса эрта тонгда қўл ва бармоқларда кучли оғриқ ва санчиклар содир бўлади. Интернетда тунда ўтириш тенденцияси натижасида сурункали чарчоқ синдроми ривожланади, турли хил касалликлар «гулдастаси» шаклланади.

Кўриш ва эшитиш қобилияти сичқонча ёки монитор таъсирида издан чикса, рухиятга аввало виртуаллик яъни, ўйинлар, социал тармоқдаги мулоқот таъсир кўрсатади. Бу каби сайтлар одамларда ашаддий мойиллик ва тобелик ҳосил қилувчи, усиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмас даражада рухий мойиллик ўйғотади.

Интернетда «яшовчи» кишиларга социал ёрдам керак. Чунки, уларда жонли мулоқот қобилияти ривожланмаган ва улар реал ҳаётда қийин аҳволга тушиб қоладилар. Тушкунлик, тортинчоқлик ривожланади. Бундай инсонларда виртуал ҳаётда яшаш қулай ва хавфсиздай кўринади. Улар бу дунёда ўз шахсияти, ёши, жинсини виртуал тарзда ўзига муносиб ҳолда ўзгартириб, идеал образнинг ҳаёлий дунёсида яшайдилар.

Аста секинлик билан бундай ҳолат улар ҳаётининг барча жиҳатларини камраб олади ва Интернет мойиллиги касаллигининг қуйидаги рухий симптомлари ривожланади:


- компьютерда ишлашда яхши кайфият ва эйфория ҳис этиш;
- интернетдан фойдаланишда тўхтай олмаслик;
- компьютер қошида ўтказилаётган вақтни ошиб бориши;
- оила ва дўстларни менсимаслик;
- компьютердан узоқдалиқда тушкунлик, бўшлиқ, жиззакиликни ҳис этиш;
- ўз фаолияти борасида иш берувчилар ёки оила аъзоларига ёлғон гапириш;
- иш ёки ўқишдаги муаммолар;

Шунингдек, хавфли белгилар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин;

- социал тармоқларни тинимсиз текширишга интилиш;
- он-лайннинг кейинги сеанси олдида завқланиш;
- он-лайнда сарфланаётган вақтнинг ошиб бориши;
- он-лайнга сарфланаётган пул миқдорининг ошиб бориши.

Навбатдаги савол таҳлили айнан ўсиб келаётган ёш авлод интернетнинг салбий жиҳтлари ҳақида етарлича маълумотга эгалик даражасини аниқлашга йўналтирилди.

6-гистограмма. «Интернетнинг салбий жиҳатларини сананг?»



Саволдан олинган натижалар умумлаштирилиши натижасидан маълум бўлишича Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 33% и фикрича Интернетда фойдали маълумотлар қаторида хавфли маълумотлар кўп. 32,5% ўқувчилар Интернетдан фойдаланиш кишида реал ҳаётга нисбатан лоқайдлик ва жисмоний сустликка олиб келади. Иштирокчиларнинг фикрига кўра интернет нафақат маънавий зарар етказиши балки инсоннинг жисмоний соғлиғига зиён етказиши мумкин. Худди шундай фикрни Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 23% билдирган. Шунингдек, шафқатсиз, агрессив сайтлар кўплиги (20%), ўртача 15% жавобларда эса Интернетда суицидал хулққа мойилликни ўйғотувчи сайтлар кўплигини билдирганлар. Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики, Интернетда ўсиб келаётган ёш авлоднинг руҳий, жисмоний соғлиғига зарар етказадиган ва улар хулқида оғишларни келтириб чиқарадиган сайтлар етарлича кўп.

Айнан ушбу мазмундаги хорижий тадқиқотлардан Forester Research компанияси томонидан ўтказилган социологик сўровларда Шимолий Америкадан бир неча ўн минг киши иштирок этан бўлиб, уларнинг интернетда ишлаш бўйича ўртача стажи 6 йилни ташкил этган. Бу кишиларнинг абсолют кўпчилиги (67%) интернетнинг кучли ижобий таъсирини ҳис этадилар. Айниқса, бу уларнинг касбий ва ижтимоий ҳаётида кучли сезилар экан. Бир қисм сўралганлар (42,5%) эса глобал тармоқдаги турмуш тарзи соғлиқ ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатишини билдириганлар.


Бу салбий таъсирлар ичида респондентлар асосан кўл ва бармоқлар ҳолати, уйқу ва кўриш тизимига салбий таъсирни билдирганлар. Умумий жиҳатдан бу шикоятлар сўралганларнинг турли гуруҳларининг 17-30%и томонидан билдирилган. Қизиқарлиси интернетнинг салбий таъсири борасида кўпроқ аёллар фикр билдириганлар. 18-30 ёшдаги ёшлар эса интернетнинг ижобий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга мойил ёшда бўлишларига қарамасдан, кўриш ва гавдани тутишда муаммолардан шикоят қилган. Катта ёш гуруҳига мансуб 55 ёшдан катта аҳоли гуруҳи эса интернетнинг салбий таъсири борасида бошқаларга нисбатан кўпроқ фикр билдирганлар. Тадқиқотчилар олинган натижаларга асосан офис ва компьютер жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар кўпроқ диққат қилишлари шартлигини билдирганлар¹.

Ёшларнинг интернетга мойиллик муаммоларидан бири виртуал мулоқотга бўлган кучли эҳтиёждир. Гап шундаки киши бунда аста секинлик билан жонли мулоқот ўрнига виртуал мулоқотни афзал кўра бошлайди. Бунга чатлар, форумлар сабаб бўлмоқда. Бунга асосан ёпиқ, камгап кишилар мойил бўлиб, улар виртуал мулоқот жонли мулоқот эҳтиёжини тўлиқ қондиради, деб биладилар. Афсуски, интернет нафақат фойдали ва қизиқарли маълумотларни балки тақиқланган тубан маълумотларни таклиф этади.

¹ Цой М.Н., Джураев Р.Х. Современные технологии совершенствования обучения. Учебно-методическое пособие для учителей. – Ташкент, 2010. – 182 с.

Хусусан, интернетда порнографик мазмундаги видеолавҳали материалларни осонликча топиш мумкин. Бу сайтлар муаллифларни аниқлаб топиш афсуски деярли иложсиз. Бу борадаги мутахассислар сайтларни сохта номлар билан кайд этадилар. Бундан ташқари оддийгина маълумот учун гиперматнга кириш натижасида улкан кенгайтмали турли расмлар ва тасвирлар билан тўлиб-тошган беҳаё маълумотларга дуч келиш ҳеч гап эмас.

8-гистограмма. “Ёшлар орасидаги оммавий ижтимоий тармоқларни ёзинг”



Ушбу савол таҳлилига биноан аниқланишича асосий кўпчилик иштирокчилар (67%) телеграм, 38% сўралганлар – инстаграм, 27,5% сўралганлар эса ватсап, ўртача 20% сўралганлар эса вайбер тармоқлари оммалашганлигини билдирганлар.

Интернет ўзининг улкан имкониятлари билан нафақат фойдали маълумотлар, алоқалар тизими, балки кўзга кўринмас, аммо даҳшатли оқибатлар, социал муаммоларнинг чегара билмас манбаи ҳамдир. Интернет хизматларининг жозибадорлиги, турфа мультимедиали лавҳалар, ранг-баранг саҳифалар ва инсон ақли ва онгини шошириб қўйувчи виртуал имкониятлари рухан чиникмаган ёшларни ўз домига тортиб кетиши тайин.


Мутахассисларнинг фикрига кўра, Умумжаҳон тармоққа рухий боғлиқлик синдроми ҳақида аллақачон гапириш мумкин. Бу гиёҳвандлик ёки

алкоголизм каби кучли мойиллик натижасида шаклланувчи янги касаллик сифатида талқин этилмоқда. Шунингдек, Интернет ва компьютер ўйинлари таъсирида улғайган ўсмирлар ёки ёшларда кенг тарқалган жисмоний ривожланишдаги нуқсонлардан – диққат-эътибор танқислиги ва социал кўникмаларнинг шаклланмасдан қолиши келажакда анъанавий турмуш тарзини парчалаб юбориш таҳдидини туғдирмоқда.

Шу боис, Интернетнинг борган сари оммалашиб бориши ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги муаммоси долзарблигича қолмоқда. Чунки, замонавий ёш авлод глобал тармоқдан уйда, турли клубларда, интернет-кафеларда, мактаб, жамоатчилик жойларида бемалол фойдаланиш имкониятини аллақачон қўлга киритиб бўлганлар.

Интернет – бу нафақат мулоқот ёки ахборот майдони балки, бу катта миқдордаги интерфаол компьютер ўйинлари макони ҳамдир. Компьютер монитори қошида соатлаб ўйинларни ўйнаш билан банд ёшларда одатда бу кўнгилочар ўйинлардан кучли мойиллик ҳосил бўлади. Бу борада компьютер ўйинлари клублари ва кафеларида доимий ёшлар ва ўсмирлар билан тўла бўлиши, ҳеч қачон бўшаб қолмаслигидан хулоса чиқарса бўлади. Мойиллик шунчалик зўраядики, интернет кафеда ёки компьютер ўйинлари клубларига кириш учун пул топиш мақсадида баъзилар талончиликка, майда ўғирлик, ўз ва ота-онаси мулкани сотишгача қўл урадилар. Уларнинг ҳатти ҳаракатини яна виртуал майдонга киришнинг енгиб бўлмас иштиёқи бошқаради. Навбадаги савол таҳлилидан қуйидаги найжаларга эга бўлинди. Биз тадқиқотларимиз давомида ушбу ҳолатга аниқлик киритишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги гистограмма кўрсатилган натижаларга эга бўлдик.

9-гистограмма. Қуйидаги қайси компьютер ўйинларини севиб ўйнайсиз?




Ушбу савол натижаларининг таҳлилига биноан Тошкент шаҳри ўқувчилари орасида GTA ўйини (21%) оммалашган бўлиб, тадқиқотда иштирок этган деярли ҳар бешинчи иштирокчи шу фикрни билдирган. Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 8,7% эса - Counter-Strike ўйинини ёқтириб ўйнашларини билдирган. Бу борада ўтказилган турли тадқиқотлар кўрсатишича, ажабланарлиси онлайн режимда ўйин ўйнайдиганларнинг 55% и қизлар экан¹. Бунинг сабаби замонавий виртуал ўйинлар имкониятининг ўта кенглиги, сифат даражасининг баландлигидир. Ўйинларда киши бутунлай бошқача воқеликка тушади. Компьютер графикаси маълум вақт давомида жонли реалликни забт эта олади. Замонавий ўйинларнинг кўпчилик тармоқли бўлиб, «сунъий интеллект» га эга. Бу реал ҳаёт билан қоришиб ишқибозлик, адреналин, виртуал ҳолатга кириш, ўткир, ёрқин тассуротга эга бўлишга олиб келади.

Маълумки, компьютер ўйинлари яратилишида нафақат дастурчилар, кўпроқ психологлар ишлайди. Улар фойдаланувчининг рухиятига таъсир кўрсатиш қандай қилиб жалб этишни яхши биладилар. Натижада компьютер ўйинлари – бу ўта замонавий технологиялар ва психология ютуқларининг синтезига айланди. Бу синтез кишида кучли мойиллик ва кўникиш ҳосил қилишга қодир. Айниқса, зўравонлик ва қотилликка йўналтирилган ўйинлар

¹ Усманова З. Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи / З. Б. Усманова // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар. науч. конф.- СПб.: Реноме, 2012. – С. 222-224.

жуда оммавийлашган. Реал ҳаётга жазога тортилувчи ҳатти-ҳаракатлар виртуал дунёда осонликча амалга оширилади. Бундай ўйинлар одатда қотиллик, жазосизлик, назоратсизликка ўрганатади. Киши ўз ички тажовузкорлигини виртуал дунёда турли маҳлуқларни ўлдириб чиқаргани маъқул, деган фикр мавжуд. Аммо, психологларнинг фикрига кўра бу диаметрал тесқари оқибатга олиб келади. Интернет ўйин мойиллиги зўрайган кишилар асосан ўсмирлар ва ёшлар реаллик туйғусини бутунлай йўқотадилар, ўзларини идрок эта олмайдилар. Реал ва виртуал ҳаётнинг фарқини англамайдилар. Ўйин лавҳалари реал ҳаётга кўчирилади. Биз юқорида қайд этилган ҳолатларни тадқиқот давомида иштирокчиларда намоён бўлишини қуйидаги савол натижаларининг таҳлилидан аниқлашга ҳаракат қилдик.

8-гистограмма. Компьютер ўйинларини қаерда ва қандай шароитда ўйнашни ёқтирасиз?



Олинган натижалар таҳлилига мувофиқ Тошкент шаҳри ўқувчиларининг 33% уйдаги компьютерда ўйинларни ўйнаса, ўртача 37% ўқувчилар ўйин ўйнамаслиги аниқланди. Атига ўртача 6% ўқувчилар Интернет кафеда дўстлар даврасида турли ўйинларни мароқ билан ўйнаши аниқланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида қайд этилган даҳшатли қотилликлардан «компьютер ўйинлари асосида қотиллик» деган янги тури

тан олинди (масалан, ўсмир Quake ўйини таъсирида онасини болта билан чопиб ташлайди ва кейин ҳеч нарса бўлмаганидек бир ҳафтадан ортиқ вақт давомида компьютер ўйинини давом эттираверади). Бу албатта даҳшатли хулосага олиб келади, яъни компьютер ўйинлари ўсиб келаётган нозик ўсмир руҳияти, маънавиятини бутунлай парчалаб ташлайди ва асоциал хулқни шакллантиради. Эронда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ёшларнинг кўпчилиги интернетдан фойдаланадилар: шундан, 35%-интернетдан мулоқот учун, 28%-ўйинлар учун, 30%-электрон почтани кўриш учун, 25%-глобал тармоқда ахборот қидириш мақсадида фойдаланар эканлар¹.

Интернетнинг бу каби кўламли таҳдидлари, ахборот хуружларидан ёшларни ҳимоялаш масаласи борган сари долзарблашмоқда. Бу борадаги уринишлар интернетдаги таҳдидлар шакли ва турларининг борган сари мураккаблашувчи, кўз илғмас тарзда айёрлашуви, кутилмаган ҳолатларда пайдо бўлиши каби омиллар натижасида баъзида самарасиз кемоқда. Шунингдек, интернет мойиллик ҳосил бўлган ёшлар ҳар қандай тўсиқ ёки чекловларга қарамасдан ўзлари учун маъқул келувчи сунъий виртуал дунёсини топиб олиш учун барча имкониятларни ишга соладилар. Аммо, бу борада қатор ишлар қилинмоқда. Масалан, таъқиқлар, филтрлар ўрнатилиши орқали тубан сайтлардан фойдаланиш кўлами чеклашга ҳаракат қилинмоқда. Бу филтрлар ҳаёсиз сайтларга киришни назорат остига олади ва улардан фойдаланишни тақиқлайди. Шунингдек, интернет-кафе ва компьютер клубларига ташриф буюрувчиларнинг ёшига цензлар ва фойдаланиш вақтига чекловлар ўрнатилган. Масалан, мамлакатимизда кечки соат 22.00 дан сўнг бу характердаги кафелар фаолияти мажбурий тарзда тўхтатилади. Биров, қоидаларга риоя этилиш даражаси паст. Чунки, уларнинг асосий фойдаланувчилари ўсмирлар ва ёшлардир. Агарда, уларнинг ташрифлари кескин тушиб кетса банкрот бўлишлари мумкинлиги туфайли бу каби расмий таъқиқларга очикдан –очик риоя этилмайди.

¹ Современная молодежь. www.pro-net.zdes.ws

Бунда сўнгги кескин чораларга ўтиш ва масалан, Шимолий Кореядаги каби интернетни бутунлай рад этиш, таъқиқлаб қўйиш мумкин. Хитойдаги каби ундан фойдаланишга расмий чеклов ўрнатиш мумкин. Аммо, буни амалга ошириш мураккаб бўлиб, у мамлакатимизда ривожланаётган сўнгги 10-15 йил давомида турмушимизга чуқур кириб улгурган. Шунингдек, таъқиқ ёки чекловларни амалга ошириш катта молиявий сарфларни талаб этади. Чунки, тезкор электрон почта хизмати ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сабаби, бир фурсатда дунёнинг нарги бурчига хат жўнатишнинг бошқа бу каби гениал усули ҳали кашф этилмаган. Бу нуқтаи назардан интернет албатта замонамизнинг энг уникал ихтиросидир.

Аммо, инсониятнинг ушбу ютуғидан рухиятга ва жисмоний соғлиққа зарар етказмаган ҳолда ўринли фойдаланишнинг уддасидан чиқиш қийин масала бўлиб қолмоқда. Бу мураккаб вазият албатта ёш инсондан қатор хусусиятларга эгаликни талаб этади. Ёки интернетнинг салбий таъсирига тушиб қолмасликда бизнинг тадқиқотларимизга кўра, аввало ахборот хуружларида ҳам ўз инсоний қиёфасини йўқотмасликка асос бўлувчи куйидаги сифатлар талаб этилар экан. Булар «кенг дунёқараш» (56%), «юқори маънавият» (53%), «кучли ирода» (42,7%), «ижтимоий-сиёсий онг ва маданиятнинг юқорилиги» (52,9%), «аниқ ва мақсадли ҳаётий позицияга эгалик» (28,5%), «хуқуқий саводхонлик» (32,8%), «ижтимоий меъёрлари ва жонли мулоқот афзалликларини англаш» (33%)¹.

Интернет кундан кунга ривожланиб, тақлиф этилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бормоқда. Унинг ашаддий ихлосмандлари устидан назоратнинг радикал усуллари ўрнатилмаса жамият қисқа фурсатларда деградацияга учраши турган гап. Айниқса, интернетдан фойдаланишнинг эркинлиги ва унинг устидан назорат ўрнатиш иложсизлиги амалда жуда катта социал муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки, сўнгги 10-15 йил давомида ҳеч бир тўсиқларсиз интернетга эркин ташриф буюрувчилар миқдори геометрик

¹ «Интернет - ёшларни ахборот билан таъминлаш воситаси сифатида» мавзусидаги анкетали сўровномалар натижаларининг таҳлилий ҳисоботидан

тарзда ўсди². Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникатив технологияларни такомиллаштиришнинг 2002-2012 йилларга мўлжалланган дастури» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу қарор асосида бугунги кунда республикада ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш тартиблари ишлаб чиқилди.

Интернетдан фойдаланиш жараёнида ёшлар онгини заҳарловчи тубан ахборот хуружлари, геосиёсий манфаатлар майдонида айрим манфаатдор шахслар ва гуруҳларнинг ғараз ниятларининг асирга айланиб қолмасликларида оила ва оилавий муҳит, оила аъзолари ўртасидаги яқин ва илиқ муносабатларнинг ўрнатилганлиги алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Чунки, инсон одатда рўёбга чиқмаган ички ҳиссий кечинмаларини тинглай оладиган ва ҳамдард бўла оладиган кишиларга эҳтиёж сезади. Ёшлардаги бу эҳтиёж аслида ота-она, яқин қариндошлараро ишончли ришталар ўрнатилган оилаларда ўзаро муҳокама этилиши шарт. Агарда оилавий муносабатларда парокандалик бўлса, унда фарзандлар ушбу эҳтиёжни чет кишилар ҳамдардлигини қидириш орқали қондиришга ҳаракат қиладилар. Бу маънода давтавал интернет бош манба бўлиб қолади. Табиийки рухий изтиробда бўлган ёшлар ғараз ниятли гуруҳларнинг осонликча қўлга кирита оладиган ўлжасига айланади. Шу сабабли, оилада аввало ёш авлоднинг кечинмалари эътиборсиз қолдирилмаслиги билан бир қаторда уларнинг интернетдан фойдаланишлари назорат остига олинган бўлиши ва тегишли тарзда чекловлар ўрнатилган бўлиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу улкан уммонни жиловлаш жуда мураккаб бўлиб, яхшиси ундан фойдаланувчиларни тартибга чақириш керак.

Шунингдек, ёшлар аудиториясига мўлжалланган ижобий характердаги миллий сайтлар сонини кўпайтириш, тажовузкор характердаги лавҳаларни қўллашга чекловлар ўрнатилган дастурларни ишлаб чиқиш керак. Чунки,

² Усманова З. Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи / З. Б. Усманова // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар. науч. конф. - СПб.: Реноме, 2012. - С. 222-224.

социал тармоқ ёшлар бўш вақтининг катта қисмини банд қилар экан унга нисбатан рухий мойилликни ҳосил бўлиши хавфи ўсиб боради. У коммуникатив мулоқот усулларини сиқиб чиқариб жонли хобби ва вербал алоқа ўрнини босиб кетди.

Социал тармоқнинг ижобий жиҳатлари, масалан, алоқанинг ўта тезкорлиги, камчиқимлиги, аудио ва видео материаллардан фойдаланиш чекланмаганлиги, ахборотни қидириш ва алмашишнинг тезкорлигига қарамадан жаҳон миқёсида унинг асосан ўқувчи ва талаба ёшлар онгига салбий таъсири барчани ташвишга солмоқда. Шунинг учун, ёшлар қандай мафкура ва ғояга мойиллиги уларнинг онгида шаклланаётган ўй-фикрлар ва тасаввурларни илмий асосда ўрганиш ҳаётий заруратдир. Ёшлар камолотиغا, тафаккурига, хулқ-атворига таъсир этувчи омиллар, хусусан, жамиятда алоҳида нуфузга эга бўлган оммавий ахборот воситаларининг турли шакллари, жумладан, интернетнинг ёшларга ахборот етказиб беришдаги роли янада чуқур илмий таҳлили этилиши ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бугунги ислоҳатлар даврида мамлакатимиз ёшлар аудиторияси хусусиятларини кенг қамровли тадқиқ этиш ва уларни ҳозирда мавжуд бўлган турли хил ахборот оқимларидан, ахборот-психологик хуружларидан янгича бир ҳимоя механизмларини шакллантиришни тақазо этади.

Бу борада, республикамызда ўтказилган тадқиқотларга кўра ёшларнинг интернет мойилликдан ҳимоялашнинг самарали усули сифатида мутаола қобилиятини ривожлантириш, бадий, илмий адабиётларга, китобга меҳр ўйғотиш таклифи илгари сурилган. Мазкур тадқиқотларда иштирок этган ёшларнинг 73% и фикрига кўра социал тармоқларнинг бузғунчилик тасиридан турли мазмундаги адабиётларни мутаола қилишни тарғиб қилиш орқали ҳимоялаш мумкин экан.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, республикамыз ва хорижий давлатларда оммавий ахборот воситаларининг турли шакллари ва интернетнинг ёшларга таъсири амалий ўрганилиб, яхлит хулосага келинди,

яъни, замонавий жамият тараққиётидан тортиб инсоннинг кундалик турмушини интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатга айланиб улгурди. Бунга баъзан унинг ўрнини босаоладиган даражада тараққий этган бошқа турдаги воситалар ихтиро этилмаганлиги, мавжудлари эса интернетнинг улкан имкониятлари олида ожизлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Биргина ёшлар орасида мутаола қобилиятининг тушиб кетаётганлиги нафақат электрон кутубхоналарнинг ривожланганлиги, балки кутубхоналарнинг йўқлиги ёки мавжудларида тегишли адабиётларни доим ҳам топиб бўлмаслиги. Ёшларни яна интернет хизматларига мурожаат этишларига туртки бўлмоқда. Айниқса, таълим муассасаларидаги кутубхоналарнинг захиралари етарли эмас. Аммо, интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан унинг салбий таъсирларини бартараф этиб бўлмайди. Бу ўринда ёшлар фойдаланаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот хавфсизлиги-бу ахборотдан фойдаланувчиларга ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ҳимояланганлигидир. Бунинг учун ёшларни интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиши ва унинг фойдали манбалар асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокни шакллантириш лозим. Демак, интернет орқали содир бўлаётган «ахборот уруши» деб номланувчи тушунчанинг реал таҳдиди инсонларга кенг кўламли глобал ахборот хуружи орқали рухий таъсир кўрсатишни амалга оширилиш натижасида юзага келди. Оқибатда жамиятнинг ахлоқий меъёрлари кризиси виртуал кенгликда танлов эркинлиги ва ўзликни намоён этиш имкониятлари натижасида содир бўлди.


Коммуникациянинг замонавий ва ўта оммалашган воситаларидан бири бу мобиль телефонларидир. Мобиль телефон исталган жойда мулоқот ўрнатиш ва доимий инсоннинг ёнида бўлиши мумкинлиги билан кундалик турмушнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда жаҳон миқёсида 2,5 млрд. инсон мобиль телефонни 24

соатлик суткада узлуксиз ҳамроҳига айлантирган. Демак, ҳозирда мобиль телефон нафақт техник ютуқ балки ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, кишилараро коммуникация тизимининг шиддатли тезлигини таъминловчи бирламчи омиллардан бирига айланиб улгурди.

Мобиль телефондан фойдаланувчи аудитория борган сари ёшариб бормоқда. Биргина Германияда 6-13 ёшли ҳар бешинчи боланинг мобиль телефони борлиги аниқланган. Аммо, мобиль телефонлардан болаларнинг фойдаланишидан кўриладиган зарар мутахассисларнинг фикрича ўрни тўлдирилмайдиган даражада жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Шифокорларнинг таъкидлашича мобиль телефондан тарқалувчи радио нурлари ёшлар, болалар мия фаолиятига жиддий зарар етказиб, улардаги нормал ўсиш жараёнини издан чиқаради. Чунки болаларнинг айнаи ўсиш давридаги мия ҳужайралари мобиль телефон нурларидан осонликча зарарланади, суяклар ўсишдан тўхтайтиди, иммунитет тушиб кетади, хотира сусаяди. Ўсимталар пайдо бўлиш хавфи ошади. Телефондан узлуксиз фойдаланиш туфайли ёшларда жиззакилик, рухий тушкунлик, лоқайдлик каби иллатлар илдиз отиши тасдиқланган. Шу боис коммуникациянинг ушбу воситаси имкониятларидан тўғри фойдаланиш, уни келжак авлод онгини заҳарлашига йўл қўймаслик муаммоси долзарблигича қолмоқда.

4-диаграмма. Телефонингизни ота-онангиз текшириб турадими?


Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича ўртача



66% сўралганлар телефонларини ота-онаси томонидан тез-тез текширилиб туришини билдирган. Уларнинг 82% ота-онасининг телефонни текширишига ихтиёрий розилик билдирса, 4,7% мажбуран телефонни

текшириши учун ота-онасига беришини билдирган, Буни биз қуйидаги гистограммадан кўриб ўтишимиз мумкин. (7-гистограмма).

7-гистограмма. Телефоннигизни ота-онангиз текшириб туришига муносабатингиз.



Навбатдаги саволимиз ўқувчи ёшларда телефонни доимий ёнида тутиб юришга мойиллик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, ушбу саволга берилган жавоблар таҳлилидан маълум бўлишича, Тошкент шаҳридан худди миқдордаги ўқувчилар (40%) бундан ҳечам афсусланмаслигини билдирганлар. 32% ўқувчи зудлик билан уни тиклашга ҳаракат қилар экан.

Тадқиқотда иштирок этган ўқувчиларнинг ўртача 78% и мобил телефондан ота-онасининг назоратида бўлиб туриш учун фойдаланса, 25,7% эса ўртоқлари билан доимий мулоқотда бўлиш учун телефондан фойдаланишларини билдирганлар.

4-жадвал. Телефондан қандай мақсадларда фойдаланасиз?

№	Жавоблар	Тошкент шаҳри, %
1.	Ота-онамни назоратида бўлиб туриш учун	79%
2.	Чет элдаги яқин қариндошларим билан гаплашиш учун	5,7%
3.	Турли ўйинлар ўйнаш учун	3,8%
4.	Интернетдан янгиликлар ва маълумотлар олиш учун	17%
5.	Ўртоқларим билан гаплашиш учун	25,7%
6.	Мулоқот учун	1,9%
7.	Телефоним йўқ	54,7%

Замонавий цивилизациянинг ушбу уникал маҳсулининг зарарли таъсиридан ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоялаш учун турли давлатларда турлича чораларни қўллаш йўлга қўйилган. Масалан, Бангладешда 16 ёшгача бўлган болалар мобиль телефондан фойдаланишлари бутунлай тақиқланган. Франция, Испания ва Англияда ҳам болаларнинг мобиль алоқа воситаларидан фойдаланишларида чекловлар мавжуд.

Ўзбекистонда мобиль телефондан фойдаланувчилар сони ҳозирда 10 млн.дан ошган. Демак, мобиль телефондан етказилаётган психологик ва физиологик зарардан бизнинг ёшлар четда қолмаяптилар. Бу борада, талабалар орасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, дерли абсолют кўпчилик (87%) ёшлар ўз ҳаётларини мобиль телефонларсиз тасаввур қила олмас эканлар¹. Шу билан бирга аксарият талабалар (92%) ўзлари фойдаланаётган мобиль телефоннинг соғлиғи учун жиддий зарарини яхши билишар экан.

Демак, мобиль телефонларнинг кундан кунга жаҳон бозорида турлича ўта мураккаб функциялар ва командаларни бемалол бажаришга мўлжалланган ривожланган мультимедиали моделлари орқали интернетга кириш ҳеч қандай қийинчиликни туғдирмай қўйди. Шу боис, инсон бир зумда дунёнинг турли бурчагида содир бўлаётган воқае-ҳодисалардан тезкорликда хабар топмоқдалар. Аммо, бу хабарлар орасида инсонийлик қиёфасидан йироқ тубан хабарлар ёки маълумотларга, миллий менталитетимиз, асрлар давомида сақланиб келаётган урф-одатларимизга зид ҳаёсиз видеоларҳалар, инсонни жоҳиллик, тубанликка етакловчи маълумотлар ҳам жуда кўп.

Ушбу банд якунида фикрларимизни хулосалаб қуйидаги тезисларимизни илгари сураимиз:

¹ «Интернет - ёшларни ахборот билан таъминлаш воситаси сифатида» мавзусидаги анкетали сўровномалар натижаларининг таҳлилий ҳисоботидан. Тадқиқот анкетали сўров шаклида 2014 йил январь-февраль ойларида Ўзбекистон Миллий Университети Фалсафа факультети талабалари орасида ўтказилган бўлиб, унда 60 та талаба иштирок этди. Улардан 34 таси йигитлар, бу жами сўралганларнинг 56%ни ташкил қилса, 26 таси қизлар, яъни респондентлар жами миқдорининг 44%ни ташкил қилди.

Биринчидан, баркамол авлодни тарбиялаш ва жамиятга етказиб беришда телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган ахборот ва хабарларнинг роли катта. Шу боис, ушбу кўрсатувлар ва намойишларнинг ёш томошабинлар аудиторияси эҳтиёжлари ва манфаатларига мутаносиблигини таъминлаш давр талабидир.

Иккинчидан, давлат ва миллат манфаатларига зид ғояларни телекўрсатувлар орқали узатилиши ҳолатларига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун узатилишга тақдим этилаётган ахборотлар устидан назоратни кучайтириш, миллий анъана ва турмуш тарзига номуносиб ахборотлар, кўрсатувлар узатилишини ўз вақтида таъқиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, глобаллашётган дунё шароитида турфа хил ахборот шакллари хуружга қарши ёшлар онгида муносиб иммунитетни ҳосил қилиш долзарбдир. Бунинг учун, ёш авлодни ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш қобилиятини ривожлантириш, ахборотлар тизимида ижобий ва салбий таъсирга эга хабарларни «фильтр»лаш – яъни, фойдали ахборотни қабул қилиб, зарарли ахборотлар таъсирига берилмаслик кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, бугунги кунда, оммавий ахборот воситалари, хусусан, телекоммуникация тизими давлат, миллат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий кўзгуси бўлиб қолмоқда. Унинг ёш авлод дунёқараши шаклланишидаги роли беқиёсдир. Шу боис, танланган илмий тадқиқот мавзуси давр талабига мос, долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

2-боб бўйича умумий хулосалар

Мазкур боб якунида ўтказилган амалий тадқиқотлар асосида интернетнинг қулайликлари ва ижобий ҳислатлари ҳамда салбий жиҳатлари борасида қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, глобал тармоқда яхлит бошқарув маркази ва чегараларнинг ўрнатилмаганлиги уни уникал асл «демократик майдон»лигини таъминлайди.

Иккинчидан, улкан кўламдаги турли техниавий ютуқлар (видео, матн, графикли, аудио) асосида яратилган ахборотдан кенг кўламли фойдаланиш имконининг чекланмаганлиги. Бу инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиради ва ўз устида ишлашга туртки бўлади. Интернетда маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги шубҳа остида бўлса-да уни баҳолаш орқали кўпчиликнинг фикрини билиб олиш мумкин.

Учинчидан, фойдаланувчилар ва ахборотни тақдим этаётган субъект ўртасидаги акс алоқанинг мавжудлиги ишончли ахборот манбага эгалик қилишга туртки ҳисобланади.

Тўртинчидан, интернет коммуникациянинг энг универсал воситаси ҳисобланади. Унда ҳар қандай турдаги ахборотни қайта жўнатиш электрон почта, форумлар ва конференциялар, эълонлар тахтаси, жўнатмалар, реал вақт режимида мулоқот шаклида амалга оширилади. Бунда масофа ва чегара омиллари йўқолади. Бу албатта мулоқот учун чексиз аудиторияни шакллантиради.

Бешинчидан, мулоқотнинг кўпгина шакллари шахсий танишувни талаб этмайди. Бу психологик тўсиқларни олиб ташлайди ва диалогда ўзиликни намоён этишда чексиз қўл келади.

Олтинчидан, тармоқда аноним тарзда иштирок этиш имкони, инсонга орзусидаги ёки идеал тасаввуридаги ўзининг янги образини яратиш имконини беради. Бир неча виртуал образларда яшаш имконияти инсоннинг ички «Мени» ни ривожлантиради ва унинг турли жиҳатларини очиб беради. Бу инсонга ўзини турлича ҳолатларда англаш ва кўрсатиш имконини ўстиради.

Еттинчидан, интернет индивидни функционаллигини таъминловчи ўзига хос муҳит ҳисобланади. Бунда шахсга таъсир этувчи омилларнинг уникал кўринишлари намоён бўлади.

Саккизинчидан, ҳар қандай субмаданиятларда бўлгани каби интернет кишиларнинг қизиқишлари бўйича катта гуруҳларга тақсимлайди, шахслараро муносабатлар ривожига туртки бўлади, бунда ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кучини кўрсатади.

Тўққизинчидан, интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан унинг салбий таъсирларини бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун фойдали манбалар асосида ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокни шакллантириш лозим.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ижтимоий оғишнинг кенг тарқалган турлари асосан инсон умрининг дастлабки босқичларида, хусусан, ўсмирлик даврида кўп кузатилади. Ўсмирлик даври тараққиёти ўзига хос номланишларга эга бўлиб, булар “вояга етмаганлик”, “ўтиш даври”, “кескин ўзгариш даври”, “портловчи давр”, “қийинчиликлар даври”, “танқидга учраш даври” ва ҳоказолардир. Бундай тавсифларнинг сабаблари;

- *биринчидан*, шу даврда юз берувчи кўпқиррали сифат ўзгаришлари (уларнинг қизиқишлари доирасидаги, ўзаро муносабатлари тизимидаги ва бошқалар) жуда қисқа вақт оралиғида, кўпинча тўсатдан, фавқулодда содир бўлиши оқибатида ривожланиш «сакраш» тарзида рўй беради ҳамда жўшқин хусусиятга эга бўлади;

- *иккинчидан*, юз бераётган ўзгаришлар, бир томондан, ўсмирларнинг айнан ўзига хос ва турли тартибдаги субъектив қийинчиликлари, бошқа томондан эса

унинг физиологик-рухий шаклланиши жараёнидаги мураккабликлар орқали кечади.

Социологик жиҳатдан ўсмирлик фазаси – бирламчи социализациянинг давомидир. Бу ёшдаги барча ўсмирлар – ота-оналар ёки давлат қарамоғида бўлган мактаб ўқувчиларидир. Ўсмирнинг ижтимоий мавқеи болалиқдан кам фарқ қилади. 16-18 ёшдаги ишлайдиган ёшлар (баъзи ҳуқуқий актларда улар «ўсмирлар» деб аталади) алоҳида ҳуқуқий мавқега эга ва бутун бир қатор имтиёзларга эгадир (тўлиқ сифатида тўланадиган қисқартирилган иш вақти, иш вақтидан ташқари ва тунги ва дам олиш кунида ишлашнинг таъқиқланиши, бир таквим оyi бўйича давом этадиган иш таътили ва ҳоказо). Шу билан бирга, шахснингбу босқичдаги фаолияти ва роли структураси аллақачон бир қатор янги, етуклик сифатларига эга бўла бошлайди.

Бу ёшдаги муҳим ижтимоий вазифа – касб танлашдир. Касб ва ўқув муассасаси турини танлашда ўсмирлар ва қизларнинг ҳаёт йўлларини ва бундан келиб чиқувчи ижтимоий – психологик оқибатларни ҳам муқаррар дифференциациялайди. Ижтимоий – сиёсий роллар ва улар билан боғлиқ манфаатлар ва жавобгарликнинг кўлами кенгаяди.

Ўзининг ноёблиги, такрорланмаслиги, бошқаларга ўхшамаслигини англаш билан бирга ёлғизлик ҳисси пайдо бўлади. Ўсмирлик “мен”и ҳали ноаниқ, хиралашган, у кўпинча мавҳум безовталиқ ёки нима биландир тўлдирилиши керак бўлгани ички бўшлиқни ҳис қилиши билан кечирилади. Шунга кўра мулоқатга эҳтиёж ошади бир вақтнинг ўзида унинг танлаш қобилияти ошади, ёлғизликка эҳтиёж пайдо бўлади.

Ўз-ўзини англашнинг ўта муҳим компоненти – ўзини ҳурмат қилиш. Бу тушунча кўп маънолидир. Бу ўз-ўзидан қаноатланишини ҳам, ўзини ва ўз кадр-қимматини ҳис этишни ҳам, ўзига ижобий муносабатда бўлишни ҳам, ўз мавжудлиги ва идеал “Мен”и билан мувофиқлигини ҳам назарда тутати ва индивид ўзини қай даражада қобилиятли, аҳамиятли, омадли ва муносиб деб ҳисоблашини ҳам кўрсатади.

Ўзини кам ҳурмат қиладиган ўсмирлар жаззак, уларнинг ғурурига тегиб кетадиган барча нарсага ўта хиссиётли бўлади. Улар бошқаларга нисбатан танқидга, ҳазилга, танбехга ўта таъсирчан бўладилар. Улар иш жойида ниманидир қила олмасалар ҳам ёки ўзларида қандайдир камчиликни сезсалар ҳам бундан изтироб чекадилар. Бунинг оқибати, уларнинг кўпчилигига уятчанлик, психик ажралишга мойиллик, воқеликдан ҳаёллар орзусига чўмиш хосдир, бундай ҳол кўпинча ихтиёрий бўлмайди. Шахс ўзини қанчалик кам ҳурмат қилса, у ёлғизликдан қийналаётгани эҳтимоли кўпроқдир.

Хуллас, ўсмирларнинг ўз-ўзини англаши – шахс шаклланишининг жуда муҳим босқичи. Аммо, ҳозирча бу «олдиндан билувчи» ўз-ўзини англаш амалиётида текширилмаган, уни мустаҳкам ва қатъий яқун деб ҳисоблаш керак эмас. Бундан - учинчи давр, 18 дан 23-25 ёшгача, буни шартли равишда кечки ўсмирлик ёки етукликнинг боши деб аташ мумкин.

Психологик жиҳатдан бу ёш зиддиятли давр ҳисобланади. Унинг учун ривожланишнинг даражаси ва суръатларидаги максимал диспропорциялар хосдир. Ўсмирликнинг «катталиқ ҳисси» - ўсмир ҳақиқатда ҳали эришмаган вазиятни олдиндан билувчи интилишларнинг, даъволарнинг янги даражаси. Типик бўлган ёш зиддиятлари ва уларнинг ўсмирнинг ўз-ўзини англашида бошқача тус олиши шундандир. Умуман бу болаликнинг тугаши ва ундан «улғайиб чиқиш» давридир.

Ўсмирлик ёшида кўп учрайдиган, сабабсиз деб аталадиган ҳатти-ҳаракатлар аслида сабабсиз эмасдир. Шунчаки бу туртки у ёки бу вазиятлар оқибати бўлиши мумкин, булар ўспирин томонидан англамайди ва мантиқий таҳлилга берилмайди. Уларни тушуниш учун, кескинликни, кўпинча ўсмирнинг психикасидаги ички зиддиятликни ва ҳатти-ҳаракатнинг ижтимоий зиддиятчилигини аниқ чегаралаб қўйиш керак бўлади.

XX аср сўнгги чораги ва XX1 асрнинг дастлабки ўн йиллиги инсоният тарихига ахборотни узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш учун мослаштирилган ўта кучли имконият ва қудратга эга ахборот технологиялари шиддат билан ривожланган давр сифатида кириб келди. Бу бир томондан

жамият тараққиётига хизмат қилди. Чунки дунёнинг исталган нуқтасидан қисқа дақиқалар, ҳаттоки, сонияларда талаб этилган маълумотни иккинчи нуқтага узатиш ёки қабул қилиш ахборот алмашиш жараёнини, демак, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол тезлигини оширди. Иккинчи томондан, улкан кўламдаги ахборот манбаи бўлган телекоммуникацион тармоқлар ва Интернет тизими инсониятга чекланмаган миқдордаги турфа ахборотни қайта ишланмаган ҳолда таклиф этмоқда. Ахборотнинг бундай босими остида инсониятнинг интеллектуал имкониятлари кенгайиши билан бир қаторда химояланмаган ва ғоявий иммунитетга эга бўлмаган аҳоли қатламлари, аввало ёшларнинг ахборот хуружлари таъсирида турли жиноятларга қўл уриши ёки бошқа хатарли ҳуққ-атвор ва ҳатти-ҳаракатларни ўзлаштиришларига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, биз мазкур муаммони назарий ва амалий таҳлил қилиш давомида қуйидаги *умумий хулосалар*га эга бўлдик:

Бизнинг назарий ва амалий тадқиқотларимиз якунида интернетнинг қуйидаги ижобий жиҳатларига аниқлик киритдик:

– интернетдан фойдаланувчилар агарда иштиёқларини жиловлай олсалар ва интрнетнинг таъсирига тушиб қолмасалар илм фан борасида катта маълумотларни олишлари мумкин;

ахборотга тез ва енгил эгалик;

қисқа фурсатда дунёнинг узок худуди билан алоқага киришиш;

Интернет орқали олди сотдиларни амалга ошириш;

зарурий сайтларда ахборот қидириш;

интернетдан янги ходимларни ишга олишда фойдаланиш;

интернет орқали янги иш ва касб эгаллаш;

янги билимларни эгаллаш ва ундан шахсий ҳамда ижтимоий ҳаётда унумли фойдаланиш;

янги ғояларни рўёбга чиқариш;

сайтларда сақланаётган маълумотларни олиш;

турли билимларни эгаллаш, масалан, тилларни ўрганиш;

Интернетнинг салбий жиҳатлари:

- хаёсиз ва тубан сайтларга тўсиқсиз ташриф;
- оиланинг диний ва маданий аҳамиятини тушиб кетиши;
- жисмоний муаммолар, хусусан, бўғимлар, мускуллар, тери касалликлари, энг муҳими кўриш тизими издан чиқиши;
- компьютер қизиб кетиши натижасида тарқалувчи диоксин ва таъсирида бурун, кўз, томоқ шиллиқ пардаси шикастланиши;
- номаълум қолиш ва турфа хиллик бир неча киши билан бир вақтда мулоқотда бўлишнинг кучли истагини ўстиради;
- оилавий муносабатларнинг бузилиши;
- иккиюзламачилик, рухиятни, онгни бузлиши;
- ошиқча хомҳаёллик;
- асабий жиззакилик;
- кучли рухий ва ақлий зўриқиш, интернет мойилликни ҳосил бўлиши;
- ҳаяжон, стресс, тушкунлик, тундлик, ўзгарувчан табиатнинг пайдо бўлиши;
- интернетдан узоқ вақт фойдаланиш натижасида социал пинҳонийликни шаклланиши;
- жонли мулоқот кўникмалари ҳосил бўлмаслиги;
- ижтимоийлашув жараёнида узилишлар пайдо бўлиши.

Мазкур муаммоларнинг қуйидаги ечимлари йўллари бўйича таклиф ва тавсияларимизни илгари сураемиз.

- ўқувчи ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида илмий изланишларни кучайтириш;
- таълим муассасалари кутубхона фондларини бойитиш, улардан кенг ўқувчилар жамоасининг фойдаланиш шарт-шароитларини такомиллаштириш;

- ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишда маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш ишларини янгидан ўрганиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш;

- интернетдаги улкан ахборот майдонида адашиб қолмаслик ва турли ғаразли гуруҳлар ёки шахсларнинг манфаатлари тўрига тушиб қолмаслик учун ёшларда ғоявий таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;

- интернет кафелар, клублар, жамоатчилик жойларида ёшларнинг интернетдаги ўйинлар ёки социал алоқа тармоқларида соатлаб банд бўлишларига чекловларни ўрнатиш;

- ёшлар онгида маънавий бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги учун оилавий муносабатларда узвий боғлиқлик туйғуси заруриятини тарғиб қилиш;

- оилада ота-оналар томонидан фарзандларнинг интернетдан фойдаланиш кўлами ва вақтини назоратга олиш;

- мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасаларида ўқувчи ва талаба ёшларда ирода ва идрокни кучайтириш, маънавий бой, кенг дунёқараш ва мақсадли ҳаётий позицияларини эгаллашда тегишли тарғибот-ташвиқот, маънавий-маърифий, ташкилий ишларни янада кучайтириш;

- ёшлар онгига миллий қадриятлар, анъаналар, буюк авлодлар хотирасига ҳурмат туйғусини сингдириш;

- интернетнинг жисмоний ва рухий зарарлари борасида доимий тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, бунда психологлар, тиббиёт ходимлари хизматидан фойдаланиш.

Шаклланиш жараёни тўғри белгиланмас экан, бундай вазиятда инсоннинг виртуал дунёга кириб қолиш эҳтимоли кўп бўлади. Виртуал дунёда инсон қалбида ҳали тўла англаб етилмаган қандайдир ғайриодатий ўзгаришлар рўй беради, ундайларда турли тубанликларга тушиш эркинлик сифатида талқин этилади. Яна шу нарса маълумки, виртуал дунёда инсон маънавий жавобгарликни ҳис этмайди.

Ҳозирги шароитда айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, уларнинг реал дунёдан ажралиб қолаётганликларининг икки сабаби бор, деб ўйлаймиз: биринчидан, ундайлар ўзининг мустақил маънавий қиёфасига эга эмас. Натижада “чет”даги нарсалар уни ўзига тортади, аста-секин реал дунёдан оёғи узилганини сезмай қолади. Иккинчидан, бундай тоифадаги ёшларда ўзини-ўзи ривожлантиришга эҳтиёж йўқ, шунингдек, бу нарса уларни мослашувчанлик, эргашувчанлик кайфиятига тушириб қўяди.

Ҳозирги кунда бутун инсониятга ўзининг жирканч қиёфасини кўрсатиб келаётган “оммавий маданият”га қарши курашиш ҳам “Маънавият куни” орқали самарали тарзда таъсир кўрсатиш мумкин. “Оммавий маданият” натижасида тижоратлашган ва ғоябозлик мақсадида ўз-ўзидан пайдо бўлган “иктидор”лар “оқимга солинади”, улардан иктисодий манфаат нуқтаи назаридан фойдаланишади. “Оммавий маданият” – кўнгилхушлик, зўравонлик, оламон дидига мослашиш, бадий саёзлик, диднинг тубанлиги, жиддий маданиятнинг товарга айлантиришга уринишдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 2- Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 3- Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 4- Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.

1. Асосий адабиётлар

1. Винер Н. Человек управляющий. – СПб :Питер, 2001. – С. 24.
2. Эшби Р. Массовая информация: Стратегия и тактика потребления. – М.: Дело, 1993 – С. 405.
3. Моль А. Искусство и ЭВМ. – М.: Мир, 1995. – С. 506.
4. Яглом Т. Массовые коммуникации в современном мире: методология анализа и практика исследования. СПб: Питер, 2000. – С. 190.
5. Урсул А.Д. диалектика определённости и неопределённости. – Кишинёв, 1996. – С. 61.
6. Бондаренко С.А. Информационная стратификация и информационном обществе. // Информационное общество. №6. –С. 16.
7. Жданов Г.Б. Информация и сознание // Вопросы философии. 2004. №11. – С. 97.
8. Фейгенберг И.М., Ровинский Р.Е. информационная модель будущего как программа развития. – М.: 2000. – С. 83.
9. Гаврилов Г.А. Использование СМИ для распространения дезинформации в ходе локальных конфликтов.//Молодой учёный. №9. 2012. – 175 с.
10. Дмитрачков И.В. Информационно-коммуникативное обеспечение государственного управления в контексте политической модернизации.- М: РАГС, 2008.
11. Засурский Я.Н. Факторы формирующие медиасистемы XXI века. – М.: МГУ, 2004.
12. Засурский И. Интернет и интерактивные электронные медиа: исследования. – М.: МГУ, 2007.
13. Муродова Ш.О. Проблемы обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан в условиях глобализации. – Ташкент: Шарк, 2008.
14. Маматов Х.Т. Фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари институтини ўрганишнинг долзарб масалалари // СамДУ ахборотномаси. №2. 2008.
15. Потрубач Н.Н. Проблемы информационной безопасности // Социально-гуманитарные знания. 1999. № 2. С. 264-265.
16. Щербаков А. Ю. Современная компьютерная безопасность. Теоретические основы. Практические аспекты. – М.: Книжный мир, 2009. - 352 с.
17. Малюк А.А. Теория защиты информации. – М.:Горячая линия - Телеком, 2012. - 184 с.
18. Masuda Y. The information society as Post-Industrial Society. - Wash., 1991.
19. Масуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М.: 1991.

20. Ёқубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. – Тошкент: Nishon-nosir, 2010. – 9 б.
21. Гоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ, 1999. - 398 с.
22. Устьянов В.Б. Пространство информационного общества // Информационная цивилизация: пространство, культура, человек. – Саратов., 2000. – 23 с.
23. Панарин Э. Информационная война и геополитика. – М: Поколение, 2006.
24. Лопатин В.Н. Информационная безопасность России: Человек. Общество. Государство. СПб., 2008.
25. Шиверский А.А. Защита информации: проблемы теории и практики. М., 2006. С. 14.
26. Петрухин И.Л. Личные тайны (человек и власть). М., 2008. С. 5.
27. Емельянов Г.В., Лепский В.Е., Стрельцов А.А. Проблемы обеспечения информационно-психологической безопасности России // Информационное общество. 2009. № 3. С. 48.
28. Дворянкин С.В. Компьютерные технологии защиты речевых сообщений в общедоступных каналах связи // Безопасность информационных технологий. 2002. № 3. С. 86-99.
29. Егоров В.В. Телевидение. Страницы истории. М., 2000
30. Бессонов Б.Н. Пропаганда и манипуляция как инструменты духовного порабощения. М, 1980.
31. Бессонов Б.Н. Идеология духовного подавления. М., 1978.
32. Голядкин Н.А. Краткий очерк становления и развития отечественного и зарубежного телевидения. М. 1998.
33. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. М., 2002.

2. Интернет сайтлари

1. Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари. www.news.uz.
2. <http://www.bestreferat.ru>.

Иловалар
Ўсмирлар ахборот
хавфсизлигини таъминлаш
омиллари

мавзусидаги социологик тадқиқот

АНКЕТАЛИ СЎРОВНОМА

ВАРАҚАСИ

Сўровнома рақами _____

Сўровнома олинган сана _____

Сўровнома олинган ҳудуд _____

Интервьюер имзоси _____

АНКЕТАЛИ СЎРОВНОМА

Хурматли Респондент Ўзбекистон миллий университети “Ижтимоий иш” йўналиши 4-курс талабалари томонидан “Ўсмирлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш омиллари” мавзусидаги касб-ҳунар коллежи ўқувчилари орасида анкетали сўровнома ўтказилмоқда. Ушбу эмпирик тадқиқотнинг мақсади - 15-18 ёшгача бўлган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг маънавиятимизга ёт ахборот хуружларидан ҳимоялаш ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анкетали сўровнома аноним бўлиб, шахсга тегишли маълумотлар қайд этилмайди. Саволларга берилган жавоблар умумлаштирилган ҳолда қайта ишланади ва олинган натижалардан лойиҳа тадқиқотларининг эмпирик базаси ҳосил қилинади.

Бериладиган жавобни айланага олиб белгиланг.

БЛОК-А СОЦИАЛ-ДЕМОГРАФИК ҚИСМ.

(Ушбу бандда ўзингиз мансуб бўлган социал-демографик кўрсаткич асосида мос жавоб вариантини танланг)

1. Жинсингиз (тегишлисини белгиланг).

Аёл
Эркак.

2. Ёшингиз (тегишлисини белгиланг).

15-16 ёш.
17-18 ёш.

БЛОК-Б.

Ўқувчиларда Интернет ва мобилъ телефондан фойдаланиш даражасини баҳолаш

**3. «Ўзингиз учун ахборот олишнинг бирламчи манбаини кўрсатинг?»
(Ўзингизга маъқул учта жавоб вариантини танланг)**

1. Интернет
2. Китоблар
3. Телевидение, радио
4. Журнал, газета
5. Дўстлар, танишлар
6. Ота-онам, яқин қариндошларим
7. Педагог-устозлар
8. Қўни-қўшни, маҳалла
9. Бошқа _____

4. «Сиз Интернетдан фойдаланасизми?» (Ўзингизга маъқул битта жавоб вариантини танланг)

1. Ҳа ҳар куни
2. Ҳа ҳафтада икки, уч бор
3. Ҳа ҳафтада камида бир бор
4. Йўқ умуман фойдаланмайман

5. Бошқа _____

5. Интернетда қанча вақт сарфлайсиз? (*Ўзингизга маъқул битта жавоб вариантини танланг*)

1. 4 соатдан кўп
 2. 2-3 соат
 3. 1 соат
 4. 20-30 минут
 5. Бошқа _____
-

6.«Сизнингча замонавий ёшлар орасида қандай сайтлар оммалашган?» (*Ўзингизга маъқул бешта жавоб вариантини танланг*)

1. Виртуал энциклопедиялар
 2. Тайёр маъруза, рефератлар
 3. Мусиқий, видеоли сайтлар
 4. ОАВлари сайтлари
 5. Ўйинлар
 6. Ватанпарварлик руҳидаги сайтлар
 7. Кўнгил очар сайтлар
 8. Чат ва форумлар
 9. Виртуал мулоқот ва танишув сайтлари
 10. Бошқа _____
-

7. «Интернетнинг ижобий жиҳатларини сананг?» (*Ўзингизга мос учта жавоб вариантини танланг*)

1. Маълумотларнинг кўплиги
 2. Маълумотларни олиш тезлиги
 3. Онлайн учрашувларда, форумларда иштирок этишнинг қулайлиги
 4. Дарсда берилган топшириқларни излаб топишнинг осонлиги
 5. Бошқа _____
-

8.«Интернетнинг салбий жиҳатларини сананг?» (*Ўзингизга мос учта жавоб вариантини танланг*)

1. Соғлиққа зарар етказди
 2. Хавфли маълумотлар кўп
 3. Шафқатсизлик, агрессияга ундовчи сайтлар кўп
 4. Ўз жонига асд қилишга ундовчи сайтлар
 5. Дасрга тайёргарликка халақит беради
 6. Болада атрофдаги воқеаларга лоқайдлик ва жисмоний сустликка олиб кеалди.
 7. Бошқа _____
-

9. Мобиль телефонингиз борми?

1. Ҳа
2. Йўқ

10. Қанақа русумдаги телефон ишлатишни хоҳлардингиз?

11. Ижтимоий тармоқлардаги қайси гуруҳлар (группа)га аъзосиз?

12. Телефонингизни ота-онангиз текшириб турадилми?

1. Тез-тез
 2. Баъзан
 3. Камдан-кам
 4. Умуман текширмайди
 5. Бошқа _____
-

13. Телефонингизни катталар текширишига муносабатингиз?

1. Ихтиёрий равишда бераман
 2. Мажбурий равишда бераман
 3. Ҳоҳламайман, яшириб қўйишга ҳаракат қиламан
 4. Очиқчасига қаршлик қиламан
 5. Бошқа _____
-
-

14. Телефонингиз бузилиб ёки йўқолиб қолса ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

1. Зудлик билан таъмирлашга ёки қидиришга тушаман
 2. Сим картани тиклашга ҳаракат қиламан
 3. Янгисини сотиб олишга имконият қидираман
 4. Афсусланмайман
 5. Бошқа _____
-
-

15. Телефондан қандай мақсадларда фойдаланасиз? (Ўзингизга маъқул учта жавоб вариантини танланг)

1. Ота-онамни назоратида бўлиб туриш учун
 2. Чет элдаги яқин қариндошларим билан гаплашиш учун
 3. Турли ўйинлар ўйнаш учун
 4. Интернетдан янгиликлар ва маълумотлар олиш учун
 5. Ўртоқларим билан гаплашиш учун
 6. Бошқа _____
-
-

16. Қуйидаги қайси компьютер ўйинларини севиб ўйнайсиз? (Ўзингизга маъқул бешта жавоб вариантини танланг)

- 1.War Craft
 - 2.Dota 1, 2
 - 3.Lineage
 - 4.Counter-Strike
 5. GTA
 - 6.Бошқа _____
-

17. Компьютер ўйинларини қаерда ва қандай шароитда ўйнашни ёқтирасиз?

1. Интернет кафеда дўстларим даврасида онлайн шаклда
 2. Мобиль телефонда дўстларим билан онлайн шаклда
 3. Уйдаги шахсий компьютеримда
 4. Ўртоғим, қариндош, қўшнимникига бориб ўйнайман
 5. Бошқа _____
-

Иштирокингиз учун раҳмат!